

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

**Термиз давлат университети
Педагогика факультети
Мактабгача тарбия ва бошланғич
таълим кафедраси**

Болалар ижодкорлиги

Термиз -2012

Ўзбекистон мактабгача таълим тизимида олий маълумотли малакали кадрлар тайёрлаш масъулиятли долзарб масалалардан биридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бўлғуси тарбиячи педагог ҳар томонлама етук мутахассис сифатида шаклланиши назарда тутилган. Талабаларга ушбу услубий қўлланма уларни ижодий қобилиятларини ўстиришга, турли табиий ташландиқ ашёлардан буюм ясай олиш, хунармадчилик сирларини эгаллаш, ўйинчоқлар тайёрлаш кўникма ва малакаларини эгаллашга ёрдам беради. Амалий ва тажриба машғулоти учун тузилган ушбу услубий қўлланма талабалар ижодини жонлантириш ва ўсишига имкон яратади, ўз касбига бўлган муҳаббатни тарбиялашга, болалар билан ҳамкорликда ишлаш малакаларини шакллантиришга ҳамда уларда меҳнатсеварлик ҳисларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тузувчилар: ўқит. Норбошева.М.О, Мухторова.Л.

Такризчилар : доц.М.О.Норбошева,
.ўқит. Ч.Садатов

Ушбу услубий қўлланма Тер.ДУ Педагогика факультетининг Илмий Кенгашининг 2012 йил _____даги __рақамли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Амалий машғулотларига тайёрланиш жараёнида талабалар замонавий педагогик технологияларга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда, маъруза машғулотлари жараёнида эгаллаган билимларини янада бойитишади ҳамда кўникма ва малакаларга эга бўлишади. Амалий машғулотларни амалий топшириқларни бажариш билан узвийликда амалга оширилади.

Амалий машғулот ишлари фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги ижодкорлик ишларидан иборатдир:

- қоғоз билан ишлаш;
- картон билан ишлаш;
- лой билан ишлаш;
- пластилин билан ишлаш;
- табиий ва маҳаллий материаллар билан ишлаш;
- табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлаш;
- газлама билан ишлаш;
- ип ва тола турлари билан ишлаш;

1-амалий машғулот

Мавзу: Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотларининг мазмуни (2с)

Мақсад : Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотларининг мазмуни ҳақида тушунча бериш. Қоғоз ва картон билан ишлашни ўргатиш.

Машғулот режаси:

1.Қоғоз ва картон турлари.

2. Қоғоз ва картон хусусияти

Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотларининг асосий хусусияти шундаки, бу машғулотда буюмларнинг умумий кўринишидаги йиғма, чизма ва буюмнинг намунаси ёки фақат техникавий расм ва чизмалардан фойдаланилади.

“Қоғоз ва картон билан ишлаш” машғулотларига болалар олдиндан қўйдагича тайёргарлик кўришади. Стол устига қоғоз ёзиб, ўнг томонига елим учун чутка, чизғич, қалам,авторукча, олди томонига елим, қийқимлар учун қутича, чап томонига иш вақтида ҳалақит бермайдиган қилиб рангли қоғозлар тўпламини қўядилар. Ҳар бир машғулот охирида болалар кейинги машғулотда керак бўладиган нарсаларни ёзиб оладилар.

Қоғоз ва картон фақат полиграфия саноатидагина эмас, балки халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳам кенг қўлланилади, Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш саноатида қоғоз ва картоннинг 200га яқин тури ишлаб чиқилмоқда.

Турли хил қоғозлардан китоблар, ойномалар, рузномалар чиқариш учун фойдаланишини барча болалар яхши биладилар. Шунунг учун ҳам меҳнат таълими машғулотларида Тарбиячи болаларнинг диққат эътиборини улар фойдаланиладиган қоғознинг турмушда тез-тез учрайдиган ва қўл меҳнати машғулотларида ишлатиладиган турларига жалб қилиб боришлари лозим.

Бу қоғозларнинг турлари қўйдагилардан иборат:

Рўзнома қоғози - энг кўп тарқалган қоғоз турларига киради. Сифатига кўра унчалик пишиқ эмас, намликни,елимни ўзига тез сингдиради.

Ёзув қоғози – сатҳи силлиқ, елим синдирилган, намликни камроқ сингдиради. Нрсаларни ихтиролашда, муқовалашда, картондан ясалган нарсаларни елимлашда жуда қўлайдир.

Чизмачилик қоғози – энг пишиқ ва қалин қоғоздир. Латтадан тайёрланади, унинг олий нави қўлда тайёрланади. Ундан байрмалар учун қизиқарли ниқоблар тайёрлашда фойдаланилади.

Расм қоғози – икки хил номерли бўлиб, целлюлозандан тайёрланади. Олий навига 25% латта қўшилади. Чизмачилик чизишда шунунгдек қўл меҳнати машғулотларида фойдаланилади.

Рангли ва жилоли қоғоз – меҳнат машғулотларида кенг қўлланилади. Турли хил рангдаги муқовалаш ишларида ва турли хил рангда қоғозлар тўплами чиқарилади.

Елимланган қоғоз – жило берилган қоғоз бўлиб, бир томонига елим суртилган. Меҳнат машғулотларида ишлатиш учун жуда қўлай материалдир.

Рангли жилд қоғози – турли рангларда бўлади, жило берилган рангли қоғознинг ўринини боса олади. Қўл меҳнати машғулотларида кўп ишлатилади.

Шагрень нақшдор қоғози – муқовасозликда ва тайёр нарсаларнинг устидан ёпиштиришда, арча ўйинчоқларини ясашда фойдаланилади.

Гул қоғози – ранги ва гули турлича бўлиб муқовалашда, нарсаларнинг устидан елимлашда, безаш ишларида кенг фойдаланилди.

Миллиметрли қоғоз - сатҳи босма тур шаклида тайёрланади.

Фильтр қоғози – елимланмаган қоғоз.

Картон қоғози – картон деб 1 кв мт 250 граммдан ортиқ бўлган қоғозга айтилади. Картоннинг турларини таърифда берадиган бўлсак:

Оқ картон – уни қирқиш осон, ўзи унчалик пишиқ эмас, тез синади. Бу картон елимни кўп шимади(кўпинча елимдан шишади). Ундан майда нарсаларни муқовалашда фойдаланилади.

Сариқ картон – оқ картонга кўра пишиқроқ, эгилувчан яхши қирқилади, елимдан шишмайди. Турли ишларда фойдаланилади.

Кул ранг картон – оқ ва сариқ картондан пишиқроқ, қирқиш қийин. Картоннинг бу туридан ўта пишиқликни талаб қилувчи нарсалар тайёрланади.

Рангли картон - бу юқа эгилувчан сатҳига турли рангда жило берилган, ишлов бериш осон ва кўриниши чиройли. Ундан ҳажми кичик нарсалар, папкалар, муқовалар тайёрлаш маъқул. Унинг устидан бошқа нарса ёпиштиришга ҳожат бўлмайди.

Болалар ишлаётган материалларга тежамкорлик билан муносабатда бўлишлари, ўз ишларини режалаштира билишлари, материални тежамкорлик билан сарфлашлари, вақтдан унумли фойдаланишлари, Тарбиячи кўрсатмасига амал қилишлари, шу билан бирга иш жойини тоза ва озада сақлашлари, машғулотдан сўнг гуруҳни тозалаб қўйишлари керак.

Барча фанларда қўлланилгани каби меҳнат машғулотларида ҳам таълимнинг кўрсатмали воситаларидан фойдаланилади. Жумладан, меҳнат машғулотларида турли хил намуна, расм, чизма, схематик намуна, турли предметларнинг моделлари, шунунгдек техника воситаларидан фойдаланилади.

Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотларининг асосий хусусияти шундаки, бу машғулотда буюмларнинг умумий кўринишидаги йиғма, чизма ва буюмнинг намунаси ёки фақат техникавий расм ва чизмалардан фойдаланилади.

Тарбиячи болаларнинг йиғма чизмани ўқишга, чизма ва намунадан барча деталларни, уларнинг ўлчамини аниқлаш ва ҳар қайси детални мустақил белгилаб олишга ўргатади. Тарбиячи болаларга намуна ва меҳнат машғулотидаги чизмани кўрсатиб, болалар билан макетни ясаш учун нечта детал тайёрлаш кераклигини, уларнинг ўлчами шакли қандай бўлишини аниқлайдилар.

Болалар чизмага қараб тўғри бурчак, учбурчак шаклида эканлигини айтадилар. Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотлари болалар олдиндан қўйидаги тайёргарлик кўришади: столнинг устига қоғоз ёзиб, иш учун керакли иш қуроллари ва материалларни олиб тайёрлайдилар.

2- амалий машғулот.

Қоғоздан буклаш йўли билан ўйинчоқ ясаш.(2с)

(«оригами» усули).

Мақсад : Қоғоздан буклаш йўли билан ўйинчоқ ясашни ўргатиш.

«Оригами» усули ҳақида тушунча бериш..

Машғулот режаси:

1. «Оригами» усули ҳақида.
2. “Тулкининг оиласи” ўйинчоқларини ясашни ўргатиш.
3. “Қимирловчи жағли бошлар” ўйинчоқларини ясашни ўргатиш.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, узлуксиз таълим тизимида ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш, уларнинг иқтидори ва истеъдодини рағбатлантиришга эътибор кучайтирилди.

Айниқса, мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, ижодкорлик қобилиятини ривожлантирининг самарали механизмлари ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди. Ушбу мавзуда мактабгача ёшдаги болаларнинг мантикий тафаккурини ривожлантириш, тасаввурларини бойитиш, қўл меҳнатига ўргатиш мақсадида оддий қоғоздан турли нарсалар яшаш технологияси батафсил баён этилган. Мактабгача ёшдан бошлаб болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бугунги кундаги тарбиявий ишнинг устувор йўналишидир.

Болалар ҳар хил феъл-атворга ва ақл даражасига эга бўлгани каби улардаги истеъдод ҳамда ижодиётга бўлган майл ва интилиш ҳам турлича бўлади. Маълумки, ҳар бир бола туғма лаёкат билан туғилади, фақат уни ўз вақтида пайкай олиш ва қобилиятга айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни эркин фикрлайдиган, ижодкор, замон билан ҳамнафас қилиб тарбиялаш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятини рўёбга чиқариш ва ривожлантиришда тарбиячи-педагогларнинг роли муҳим аҳамиятга эга. Чунки тарбиячи-педагоглар боланинг боғчадаги кундалик ҳаёти давомида турли машғулотлар, кўнгилочар ўйинлар, байрам эртаклари, меҳнат фаолияти орқали уларнинг қобилият ва имкониятларини намоён этиш билан биргаликда мунтазам ривожлантириб борадилар. Зеро, қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади.

Малакали тарбиячи-педагог таълим-тарбия жараёнида болалардаги ижодкорликни, истеъдод қирраларини шакллантиришга ва ривожлантиришга ёрдам беради. Ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланувчан тарбиячиларгина болаларда ижодий қобилиятни шакллантиришга ҳаракат қилади ва болаларнинг қизиқишларини янада ошириш учун таълим-тарбиянинг турли воситалари, метод ва шаклларидан фойдаланади. Жумладан, болаларнинг ижодий ишлари: расм чизиш, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш, табиий ва ташландиқ материаллардан нарсалар яшаш, миллий ҳунармандчилик бўйича ясалган буюмларидан кўргазмалар ташкил этади ва мусобақалар уюштилади.

Боланинг фантазияси кучли бўлади. У қўлига тушган оддийгина бир нарсада ўзи хоҳлаган шаклни кўради ва тасаввур қилади. Айниқса, боланинг қўлига бир парча қоғоз берилса, бола уни хоҳласа қайиқ, хоҳласа самолёт, хоҳласа пақиллоқ, хоҳласа варрак, хоҳласа геометрик фигуралар шаклига киритади, ёки боғча опасидан ва ота-онасидан, ака-опаларидан ўзи хоҳлаётган нарсани ясаб беришларини сўрайдилар. Агар улар хоҳлаган нарсаларни ясаб беришмаса харшаи қилишлари тайин.

Ушбу мавзуда қоғоздан турли болаларбоп нарсалар, ўйинчоқлар, мунчоқлар ҳайвонлар, байрам маскаларини яшаш технологияси кўрсатиб берилган. Болажонларнинг қоғоздан ясаган нарсалари иштирокида ҳикоялар, эртаклар тўқишга ўргатиш, турли сценарийлар асосида уларни образга киритиш болаларни янада ижодкорликка ундайди.

Бу ўз навбатида ўсиб, улғайиб келаётган болаларнинг маънавий оламини бойитади, уларда ижодий завқланиш ҳиссини уйғотиб, ўз қилган ишидан фахрланиш туйғусини юзага келтиради.

Оригама –сўзининг келиб чиқиши япон тилига мансуб бўлиб, икки ибора “ори” –букланган ва “гами” –қоғоз деган маъноларни англатади.

Оригама дейилганда одатда тўртбурчакли қоғозларни буклаб турли буюм ва ўйинчоқларни яшаш тушунилади.

Оригама санъат сифатида илк маротаба IX –XII асрларда Японияда пайдо бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб бу санъат Европа мамлакатларига ҳам тарқалиб, ривож топа бошлади. Ҳар қандай буюмларни яшашни изчил тизимига эга чизма суратлар сифатида тасвирлаш урфга кирди. Зеро, расмларга қараб қоғоз букламларидан турли буюм ўйинчоқлар яшаш 4- 5 ёшли болалардан тортиб мактабнинг бошланғич гуруҳи болаларининг ҳам тасаввур доирасини кенгайтириб, ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириши шубҳасиздир.

Бугунги кунга келиб оригами алоҳида амалий санъат тури сифатида бутун дунёда кенг оммалашган.

ТУЛКИНИНГ ОИЛАСИ



Тулкиларни яшаш жуда осон. Турли катталиқдаги қоғозлардан бутун тулкилар оиласини яшаш мумкин. Ўров қоғозини ёки оддий қоғозни турли рангларга бўяб яшаш мумкин.


Бунинг учун катта тулкига 15x15 см

ўртача тулкига 12x12 см

тулки боласига 7,5x7,5 см


катталиқдаги қоғозлар керак бўлади.

1. Қоғозни стол устига бир бурчагини ўзингизга қаратиб қўйинг.




1 -иш.

2. Қоғозни юқори ва пастки бурчакларини бирлаштириб букинг. Букилган чизиқни яхшилаб босинг. Хосил бўлган учбурчакни ўнг томондан чапга қараб букинг.



2-иш.

3. Пастки чап бурчакни юқorigа шундай букингки, у юқorigи бурчак билан мос тушсин.




3-иш

4. Қоғозни бошқа томонини буриб, 3 – ишдаги ҳаракатни қайтаринг.




4-иш.

5. Пастки қисмда битта мураккаб, юқори қисмда учта алоҳида бўлган учбурчакни расмда кўрчатилгандек жойлаштиринг: узун томони чап томонда, учта учбурчакли томонини юқорига қилиб жойлаштиринг.




5-иш.

6. Думни ясаш учун, пастки чап бурчакни тепага қараб қайиринг. Қайирилган текис томон, букилган думнинг бурчагига тегиб туриши зарур.




6-иш

7. Ўнг томонни 2см буклаб, қоғозлар орасини очинг. (расмга қаранг)




7-иш

8. Бармоғингизни букилган ўрта чизик бўйича озроқ босиб юргизинг, бунинг натижасида 8-ишда кўрсатилган деталларни ораси очилади. Ўртача тилчаси энди ясси ҳолатда бўлади.
- 9.




8-иш.

10. Тулкини бошини ясаш учун ўртача тилчани пастга қараб букинг ва уни устидан шундай силангки, натижада олдинга чиқувчи ромбча ҳосил бўлиши керак.



9-иш

10. Тулкиларни ясаш учун доғ – доғ ёки чизик – чизик қоғозлардан фойдаланиш мумкин.



10-иш


ҚИМИРЛОВЧИ ЖАҒЛИ БОШЛАР



Зарур нарсалар


20x20 катталиктаги квадрат қоғоз. Бу ясамалар учун йўғон ёзув қоғозидан фойдаланиш маслаҳат берилади

1. Қоғозни икки чапдан ўнгга қараб букланг. Устки қисми ярмини ўнгга қараб шундай букингки у бакланган чизикқа тегсин.




1-иш

2. Қоғозни пастки қисмини устига қилиб айлантиринг. Устки қисми марказий букланган чизикқа тегадиган қилиб букланг. Букланган жойидан босиб чиқинг ва қоғозни ёйинг.




2-иш

3. Бурчакларни юқорига қараб букинг. Букилган бурчакларни учлари букиш чизиги билан мос келиши зарур. Қоғозни ўнг томон чап томонни устига ётгандай қилиб тахланг.




3-иш

4. Тайёрланган қоғозни яна иккига букланг ва очинг. Энг узун томонни ўртасидан 1см чуқурликда кесинг.




4-иш

5. Кесилган жойдан юқорига қараб икки томонни букинг. Букилган томонлар ташқи бурчак томонига қараб ингичкалашиб бориши зарур.




5-иш

6. Қоғозни айлантириб, ишни иккинчи томонидан такрорланг. Букланган чизик икки томонда ҳам мос тушиши керак.



6-иш

7. Тайёр маҳсулотни узун четларини очинг. Бунда юқори ва пастки бурчаклар олд томонни ўртасида бир – бирига тегиб туриши керак.



7-иш

Жағни “қарсиллаши” учун бошни орқа томонидан бош бармоқ билан тагидан ушлаб олинг. Бошни устидан бармоқлар билан енгил босинг ва жағ очилади. Кўзларни чизинг ёки ёпиштиринг.

Сичқончани тайёрлаш учун 4-6-ишдаги кесиш жараёни бажарилмайди ва бошга катта қулоқлар ёпиштирилади.

Букланган жойни орқа қисмига учли тож ёпиштирилса, калтакесак ёки аждархони боши ҳосил бўлади.

Пингвин оғзига балиқни думини ёпиштиринг.

Бошнинг ички қисмини контраст рангга бўянг. Қоғоздан балиқча шаклида кесиб, ингичка симга бойланг иккинчи қисмини ясалган акулани жағига бойланг.

ПАҚИЛЛОҚ




Бундай пақиллоқни бурчагидан ушлаб, қулингизни пастга қараб кескин силтанг: у қаттиқ пақиллайди.

Оддий газета ва ўров қоғозларидан ясалган пақиллоқлар қаттиқ пақиллайди.

Зарур нарсалар


35х70 см катталиқдаги тўғри бурчакли ингичка қоғоз.

1. Қоғозни стол устига ички томонини юқорига қилиб қўйинг. Уни узун томонларини бирлаштириб букинг. Очиб бурчакларини марказий чизик томон букланг.




1-иш

2. Букиш чизиғи бўйича қоғозни иккига букланг. Уни энг узун томонини пастга қаратиб жойлаштиринг, иккига букланг ва очинг.




2-иш

3. Пастки бурчакларни юқорига қараб, марказий букилган чизикқа мослаб букланг. Тайёр махсулотни иккинчи томонга айлантиринг. Уни чапдан ўнгга қарата букланг.



3-иш

4. Пақиллоқни узун томонини ўзингизга қаратиб ушланг. Қўлингизни кутариб кескин пастга қарата силтанг – пақиллоқ “портлайди”.



4-иш

3-амалий машғулот

Мавзу: Когоз ва картон ўйинчоқларни конструкциялаш. (2с)

Мақсад: Қоғоз ва картон ўйинчоқлари хусусиятлари билан таништириш. Когоз ва картон ўйинчоқларни конструкциялашни ўрганиш. Қоғоздан ўйинчоқ тайёрлаш учун керакли малака ва кўникмаларни бериш.

Машғулот режаси:

1. Варраклар яшаш.
2. Лола гуллари усулини ўргатиш.

ВАРРАКЛАР




Бу ясамаларга пуфласа ёки шамолга қўйилса, улар айланади.

Зарур нарсалар


15x15 см катталиқда квадрат қоғоз, ингичка ёғоч таёқча (мисол учун кабобники), чизмачилик кнопокasi ёки қалпоқчалик михлар, Варраклар ингичка ўроқ қоғозидан яхши ясалади.

1. Қоғозни стол устига чап томонини юқорига қаратиб қўйинг ва узун томонларини бирлаштириб букланг, очинг. Энди узун томонларни марказий букланган чизиқ томонига шундай букингки, уларнинг четлари ёнма – ён жойлашсин.




1-иш

2. Калта томонларни бирлаштириб, қоғозни букланг, очинг. Энди калта томонларни марказий буклов чизиғи томон шундай букингки, четлари ёнма – ён жойлашсин. Сизда иккита тилча ҳосил бўлади.




2-иш

3. Бармоғингизни юқори тилчани икки қавати орасига киргизинг. Қоғоз бир ерда ўтириши учун чап қўлингиз билан босиб туринг. Тилчанинг чап томонини бошқа қўлингизни бармоғи билан ушлаб туринг.




3-иш

4. Бармоғинингизни ўнгга қараб охиста сурунг. Бунда қоғозни ташқарига шундай тортиб чиқарингки, учбурчак ҳосил бўлсин. Учбурчакни ўнг томонини босиб текисланг, унинг пастки томонлари мос тушиши лозим.




4-иш

5. Бармоғинингизни юқори тилчани чап қаватлари орасига киргизинг. Чапга худди шундай учбурчакни тортиб чикаринг.




5-иш

6. Қоғозни пастки қисмини юқorigа айлантириб 3-5 пунктларни қайтаринг. Тайёр махсулотни юқори ва пастки томонлари расмдагидек мос тушиши керак.




6-иш

7. Қоғозни учбурчаклар ён томонга қарагандай қилиб қўйинг. Юқори қисмни ўнг учбурчакгини тепага, бурчаги чикиб тургандай қилиб букинг.




7-иш

8. Қоғозни тепани пастга қилиб айлантиринг. Тепага ўнг томонни юқори учбурчакгини букинг. Варрак тайёр



8-иш

Варракни таёқчага қандай маҳкамлаш керак.



9-иш

Варракни ўртасини чизмачилик кнопкаси ёки қалпоқчали мих билан тешинг. Кнопкани таёқсани юқори қисмига киргизинг. Кнопкани охиригача киргизинг. Кнопкани охиригача киргизманг, акс ҳолда варрак айланмайди.

Икки қаватли варрак ясанг. Бунда кичик варрак, катта варрак устига жойлаштирилади. Кичик варракни қоғозини каттлиги катта варракниқадан 2,5 см кичик.

ЛОЛА ГУЛЛАРИ




Бу гулларни турли ҳажмдаги квадрат қоғозлардан яшаш мумкин. Биринчи лилияни бизнинг таърифимизда кўрсатилган ўлчамда яшашингизни маслаҳат берамиз, чунки катта қоғозни кичигига нисбатан буклаш осонроқ.

Зурур нарсалар

24х24 см квадрат қоғоз. Қалам

1. 84-85 бетдаги, 1 – 8 бандгача, келтирилган топшириқларни бажаринг, аммо 8 банддаги букланган томонларни тўғирламанг. Тайёр бўлган шаклни, учларини юқорига қаратиб столга қўйинг.



1-иш

2. Қоғознинг юқори қатлам бурчакларини расмда кўрсатилганидек марказга шундай букингки, юқори учлари қайрилган қисмнинг марказий чизиғига мос келсин қоғозни айлантиринг.




2-иш

3. шаклнинг пастки бурчагини юқорига шундай буклангки, унинг учи юқори бурчакка тўғри келсин. Бир нечта қоғоз қатламларини буклаётганингиз учун, букланаётган қисмни босиброқ букланг. Уни орқасига айлантиринг.




3-иш

4. Бармоқларингизни расмда кўрсатилган ҳолатга қўйиб, босиб букилган чизиқлар бўйича юқори қатламни пастга шундай силжитингки, ташқи қирралари 2 ва 3 бандда букилган чизиқлар бўйича тўғрига ва ичкарига буклансин.




4-иш

5. 4 бандда ичкарига букилган қирралари, букланган жойнинг марказни чизиғи бўйлаб бир – бирига тегиши керак. Шаклни текисликка қўйиб текширинг. Расмда белгиланган бурчакни юқорига буклаб, босинг.




5-иш

6. Қоғозни орқасига айлантириб 2 – 4 банддаги топшириқларни бажаринг. Юқори 2 та чап учбурчакни шундай буклангки, улар ўнг томонга мос тушсин ва яна бир бор 2 – 4 банддаги топшириқларни бажаринг.



6-иш

7. Қоғозни орқа томонига айлантириб юқориги 2 та чап учбурчакни ўнг томонга мос тушадиган қилиб букланг ва 2 – 4 банддаги топшириқларни бажаринг.




7-иш

8. юқори чап учбурчакни ўнг томонга мос тушадиган қилиб букланг. Қоғозни орқа томонига айлантириб юқоридаги ҳаракатни такрорланг. Энди 2 томон ҳам бир хил кўринадиган бўлди.




8-иш

9. Расмда белгиланган, қоғознинг юқори қатлам бурчакларини ўртага ташқи қирралари, букланган марказий чизиқи қирралари, букланган марказий чизикқа мос келадиган қилиб букланг. Қоғозни орқа томонига айлантириб, юқоридаги ҳаракатларни бу томонда такрорланг.




9-иш

10. Юқори 2 та чап учбурчакни уларни, ўнг томон устига мос тушадиган қилиб, букинг. Энди, қоғознинг юқори қатлам бурчакларини диаюнал чизиклар бўйича, 9 бандда кўрсатилганидек марказга букинг.



10-иш

11. Қоғозни орқа томонига айлантириб 10 банддаги ҳаракатларни бажаринг. Эҳтиёткорлик билан юқори бурчакларни тўғирлаб, барчаларни ташқарига қайиринг: уларни, юқорисидан бошлаб қаламга ўранг.



11-иш

4-амалий машғулот

8 –март байрамига табрикнома ясаш усулини болаларга ўргатиш.

Мақсад: Картон ва унинг хусусиятлари билан таништириш. Кўргазмали қуролнинг ўлчам ва чизмасининг аниқлаш. Картондан кўргазмали қуролни тайёрлаш учун керакли малака ва кўникмаларни бериш. Кўргазмали қуролни таълимий ва тарбиявий аҳамияти.

Машғулот режаси:

1. Байрам табрикномаси ясаш.
2. Ҳар-хил шаклларни кесишга болаларни ўргатиш.
3. Меҳнат қуролларидан тўғри фойдаланиш.

Аппликация билан шуғулланиш болаларни гармоник ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Аппликация ижодни ривожлантиришда катта ёрдам беради тасаввурни бойитади, кузатувчанлик ва диққатни фаоллаштиради, иродани тарбиялайди, чамалаш ва рангни сезишни ўстиради.

Тайёрланган деталлар елимланадиган сатҳ, яъни фонга жойлаштирилади ва ўйланган тасвир ҳосил қилинади, агарда бу тасвир маъқул бўлмаса деталлар бошқача жойлаштирилади. Деталларни ёпиштиришда жойни адаштирмаслик учун

уларнинг ўрнини қалам билан белгилаб қўйилади. Мисол тариқасида энг оддий геометрик шакл – квадратни олиб, унинг алмашилини ҳосил қилиш учун турли ҳолатларда жойлаштириб кўрамиз. Ишни бошлаш учун марказни топиш, симметрия ўқини ўтказиш ва элементларни шунга кўра жойлаштириш лозим.

Иш мавзу ва фикрни танлашдан бошланади. Кўпинча очиқ тондаги қоғоз ва фон танланади. Аппликация мулжалланган тасвир ва элементлар миқдори қоғозни танлашни белгилайди. Тасвир устида ишланганда асосий эътибор танланган мавзунинг мазмунига, керакли материаллар, уларнинг ўлчамлари, ранглари танлашга қаратилади. Тасвир ҳажмига кўра энг катта элемент асосий тематик элемент бўлиши керак.

Намуна тариқасида тайёрлов гуруҳи болалари 8 – Март учун табрикнома ясашлари мумкин. Бу ишда болалар андоза билан ишлайдилар, тахлаш ва симметрик қирқишни эслайдилар, чамалаш кўникмаларини синайдилар ва рангли қоғоздан ингичка оқ ва сариқ тўғри чизикларни қирқадилар. Қуёш учун квадрат қоғоздан доира қирқса бўлади. Болалар ясаган гуллар турлича бўлиши мумкин. Новдалар ҳам қўлда қирқилади. Шундан кейин намуна кўриб чиқилади, унинг элементлари, иш усуллари, керакли материаллар аниқланади ва ишнинг бориши белгиланади.

1. Табрикнома учун қоғоз тайёрланиб у иккига букланади;
2. Кўк рангдаги қоғозга тўғри бурчак чизилади, унинг ўлчами узунасига, табрикнома устининг узунлигидан 1 см кам, энига эса энининг яримидан 2см атрофида каттарок;
3. Кўк қоғоздан қирқилган тўғри бурчак таклифноманинг устига ёпиштирилади, бунда кўк қоғоз таклифномани бўйида ҳалақит бермаслиги учун букиш чизигининг чап томонидан озгина жой қолдириб ёпиштирилади;
4. Энди қуёш ва унинг нурлари учун ёй қирқилади. Бунинг учун квадрат шаклдаги қоғозни керакли ўлчамда қирқилади;
5. Намуна асосида қуёш нури қирқилади;
6. Оч кўк ва жигар ранг қоғоздан иккита шох қирқиб, намунадагидек ёпиштирилади;
7. Гуллар қирқиб ёпиштирилади.

Иш ижодий тарзда бўлганлиги учун Болалар гулларни шохларга ўзлари мустақил жойлаштирадилар. Барглари тарбиячи тарқатган андоза бўйича қирқадилар. Табрикноманинг ички томони нақш билан безатилиб, табрик сўзи ёзилади.

8 – март байрамига табрикнома ясаш машғулоти намунаси

Мақсад:

- А) байрам табрикномаси ясаш.
- Б) ҳар-хил шаклларни кесишга болаларни ўргатиш.
- В) меҳнат қуролларидан тўғри фойдаланиш.

Метод: Сухбат тушунтириш.

Жиҳоз: ясалган табрикномалар, клей, қайчи, рангли қоғоз, картон, гуллар андозаси.

Машғулотнинг бориши:

- Ҳозир нима машғулоти?
- Бугун нечанчи сана?
- Ҳозир қайси фасл?
- Баҳор фаслида табиатда қандай ўзгаришлар бўлади?

- Ҳозир қайси ой?
- Март ойида қандай байрамлар бўлади?
- 8 март қандай байрам?
- 1. Уй ишини текшириш.

Болалар бугун биз халқаро хотин қизлар байрамига табрикнома ясаймиз. Ўз кўлимиз билан ясаган табрикномаларни оналаримизга, опаларимизга, буви, сингилларимизга шеърлар айтиб ширин сўзлик билан табрикласак, улар жуда хурсанд бўлиб кетадилар.

Оналар тўғрисида кўплаб мақол, ҳикмат, ҳикоят, шеър, асарлар бор, масалан:

1. Онанинг бир кўли бешикни,
Иккинчи кўли дунёни тебратади.
2. Онанинг били оғриси,
Ер ҳам титрайди.
3. Дунё тор бўлганда ҳам,
Она бағри кенг.
1. Она билан бола,
Гул билан лола.
2. Боланинг бармоғи оғриси,
Онанинг юраги ачийди.

Она муқаддас! Она азиз ва мўътабар сиймо! Она улуғлик. Гўзаллик, донолик тимсоли. Она азиз ва мўътабар сиймо! Она улуғлик, гўзаллик, донолик тимсоли. Шунинг учун болалар оналарнинг доимо ҳурмат қилинг улар иш буюрсалар, ҳўп бўлади деб бажаринг.

Болалардан шеър мақол. Ҳадислар сўралади. Сўралиб бўлгандан кейин табрикнома яшашни бошлаймиз.

Намуна тариқасида катта гуруҳ болалари 8 – Март учун табрикнома яшашлари мумкин. Бу ишда болалар андоза билан ишлайдилар, тахлаш ва симметрик қирқишни эслайдилар, чамалаш кўникмаларини синайдилар ва рангли қоғоздан ингичка оқ ва сариқ тўғри чизиқларни қирқадилар. Куёш учун квадрат қоғоздан доира қирқса бўлади. Болалар ясаган гуллар турлича бўлиши мумкин. Новдалар ҳам кўлда қирқилади. Шундан кейин намуна кўриб чиқилади, унинг элементлари, иш усуллари, керакли материаллар аниқланади ва ишнинг бориши белгиланади.

1. Табрикнома учун қоғоз тайёрланиб у иккига букланади;
2. Кўк рангдаги қоғозга тўғри бурчак чизилади, унинг ўлчами узунасига, табрикнома устининг узунлигидан 1 см кам, энига эса энининг яримидан 2см атрофида каттарок;
3. Кўк қоғоздан қирқилган тўғри бурчак таклифноманинг устига ёпиштирилади, бунда кўк қоғоз таклифномани бўйида ҳалақит бермаслиги учун букиш чизиғининг чап томонидан озгина жой қолдириб ёпиштирилади;
4. Энди куёш ва унинг нурлари учун ёй қирқилади. Бунинг учун квадрат шаклдаги қоғозни керакли ўлчамда қирқилади;
5. Намуна асосида куёш нури қирқилади;
6. Оч кўк ва жигар ранг қоғоздан иккита шох қирқиб, намунадагидек ёпиштирилади;
7. Гуллар қирқиб ёпиштирилади.

Иш ижодий тарзда бўлганлиги учун Болалар гулларни шохларга ўзлари мустақил жойлаштирадилар. Баргларни тарбиячи тарқатган андоза бўйича

қирқадиладар. Табрикноманинг ички томони нақш билан безатилиб, табрик сўзи ёзилади.

Амалий топшириқ.

Талабалар қоғоздан аппликация ясаш амалий машғулоти учун иш жойини ташкил этадилар. Намуна тариқасида қоғоздан аппликация ясашадиладар. Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдиладар.

5- амалий машғулот

Мавзу: Қоғоздан аппликация ва мозаика ясаш.

Мақсад : Қоғоздан аппликация ва мозаика ясаш билан таништириш.

Билим,малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулот режаси:

1. Аппликация ишларининг мазмуни.
2. Мозаика ишларининг мазмуни.
3. Машғулотларни ташкил этиш усуллари.

Аппликация тасвирлаш техникасининг турли формаларини қирқиш ва уларни фон тарзида қабул қилинган материаллар ҳисобига мустаҳкамлашга асосланувчи туридир.

Бу аппликациядан фақат безаш мақсадларида кўргазмали қуроллар, турли ўйинлар учун қўлланмалар, ўйинчоқлар, байроқлар, сувенирлар, деворий газеталар, стендлар ва ҳақозаларни безашда ишлатилади.

Аппликация билан шуғулланиш болаларни гармоник ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Аппликация ижодни ривожлантиришда катта ёрдам беради тасаввурни бойитади, кузатувчанлик ва диққатни фаоллаштиради, иродани тарбиялайди, чамалаш ва рангни сезишни ўстиради.

Аппликация ишини бажаришда асосий эътибор унинг умумий кўринишига қаратилиши керак.Яхши ўйланган композиция, яъни тасвирлаш лозим бўлган нарсаларни жойлаштириш аппликациянинг муваффақиятининг гаровидир.

Тасвирлаш лозим бўлган нарсалар ёрдамида фигура ва нарсаларнинг ҳолати аниқланади, тасвирланган ҳодисаларнинг уйғунлигига эришилади. Тасвирнинг барча деталлари, ҳатто энг кичиклари ҳам қоғоздан қирқилади, уларни чизмаслик керак.

Тайёрланган деталлар елимланадиган сатҳ, яъни фонга жойлаштирилади ва ўйланган тасвир ҳосил қилинади, агарда бу тасвир маъқул бўлмаса деталлар бошқача жойлаштирилади.

Деталларни ёпиштиришда жойни адаштирмаслик учун уларнинг ўрнини қалам билан белгилаб қўйилади. Мисол тариқасида энг оддий геометрик шакл – квадратни олиб, унинг алмашилишини ҳосил қилиш учун турли ҳолатларда жойлаштириб кўрамиз. Ишни бошлаш учун марказни топиш, симметрия ўқини ўтказиш ва элементларни шунга кўра жойлаштириш лозим.

Иш мавзу ва фикрни танлашдан бошланади. Кўпинча очик тондаги қоғоз ва фон танланади.

Аппликация мулжалланган тасвир ва элементлар миқдори қоғозни танлашни белгилайди. Тасвир устида ишланганда асосий эътибор танланган мавзунинг мазмунига, керакли материаллар, уларнинг ўлчамлари, рангларини танлашга

қаратилади. Тасвир ҳажмига кўра энг катта элемент асосий тематик элемент бўлиши керак.

Намуна тариқасида тайёрлов гуруҳ болалари 8 – Март учун табрикнома яшашлари мумкин. Бу ишда болалар андоза билан ишлайдилар, тахлаш ва симметрик қирқишни эслайдилар, чамалаш кўникмаларини синайдилар ва рангли қоғоздан ингичка оқ ва сариқ тўғри чизикларни қирқадиладар. Қуёш учун квадрат қоғоздан доира қирқса бўлади. Болалар ясаган гуллар турлича бўлиши мумкин. Новдалар ҳам қўлда қирқилади.

Суҳбатни Тарбиячи “8 Март куни” ҳақида олиб боради ва бунда совға масаласини эслатиб ўтади. Энг яхши совға ўз қўли билан ясаган совғадир. Суҳбатни меҳрибон бувижонларими онажонларимиз, опа-сингилларимиз ҳақида бўлиши мумкин.

Шундан кейин намуна кўриб чиқилади, унинг элементлари, иш усуллари, керакли материаллар аниқланади ва ишнинг бориши белгиланади.

- табрикнома учун қоғоз тайёрланиб у иккига букланади;
- кўк рангдаги қоғозга тўғри бурчак чизилади, унинг ўлчами узунасига, табрикнома устининг узунлигидан 1 см кам, энига эса энининг яримидан 2 см атрофида каттарок;
- кўк қоғоздан қирқилган тўғри бурчак таклифноманинг устига ёпиштирилади, бунда кўк қоғоз таклифномани бўйида ҳалақит бермаслиги учун букиш чизигининг чап томонидан озгина жой қолдириб ёпиштирилади;
- энди қуёш ва унинг нурлари учун ёй қирқилади. Бунинг учун квадрат шаклдаги қоғозни керакли ўлчамда қирқилади;
- намуна асосида қуёш нури қирқилади;
- Оч кўк ва жигар ранг қоғоздан иккита шох қирқиб, намунадагидек ёпиштирилади;
- гуллар қирқиб ёпиштирилади.

Иш ижодий тарзда бўлганлиги учун болалар гулларни шохларга ўзлари мустақил жойлаштирадилар. Барглари Тарбиячи тарқатган андоза бўйича қирқадиладар. Табрикноманинг ички томони нақш билан безатилиб, табрик сўзи ёзилади.

Мозаика монументал декоратив саънат турларидан биридир. Турли даврларда ва турли мамлакатларда мозаика қўлланиладиган материалга кўра ҳам, нақш ва расмларига кўра ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Ўрта Осиё мадрасалари, мачитлар, ҳукмдорларнинг саройлари мозаика билан безатилган. Мозаика ҳозирги кунда монументал саънатга айланган.

Мозаика билан биноларнинг ташқи қисмлари, деворлари ва ҳалқ амалий саънати асарлари безатилади. Мозаика ишларида ойна, сопол плиталаридан фойдаланилади. Лаосда рангли кўзгу парчаларидан ажойиб мозаика асарлари яратилади, улар қуёшда бир-бирига қўшилиб ва порлаб, шодлик кайфиятини яратади.

Мозаика бу расм сатҳида айрим-айрим парчалар (қоғоз, ойна, сапо, гул тожибарглари, тухум пўсти ва шу кабилар) қўйиб чиқишдир.

- Тухум пўстидан мозаика ишларини бажариш учун ювиб кўритилган тухум пўсти мўйқалам ёрдамида акварел бўёқлари билан керакли рангларга бўйялади.
- Бўёқ қуригандан кейин тухум пўстини танланган расмга кўра майда ва йирик бўлақларга бўлинади.

- Тухум пўстидан мозаика қилишда шундай тасвирни танлаш керакки уларнинг контурлари мумкин қадар текис ва майда эгри-бугрилари бўлмаслиги керак.
- Контур қора қоғоз орқали ўтказилади ёки шаблондан айлантириб чизилади.
- Аввал расм сатҳининг бир қисмига елим суртилади. У ерга тухум пўсти териб сиқилади, кейин иккинчи қисмига ҳам шу тартибда давом эттирилади.
- Ортиқча елим тоза латта билан артиб тозаланади, пўст яхшироқ ёпишиши учун устидан секин босиб қўйилади.

Бундай иш одатда энг оддий контурлардан бошланади. Кейинроқ контурлар анча мураккаблашади.

Турли мева ва сабзавот, поллиз экинларининг уруғлари, данак, балиқ тангалари, чиғаноқ, майда тошлар билан хилма-хил мозаика ишларини бажариш мумкин

6- амалий машғулот

Мавзу : Қоғоздан папье-маше ишлари.

Мақсад: Талабаларни Папье-Маше ишлари билан таништириш.

Папье- Маше усули ҳақида тушунча бериш.

Машғулот режаси:

- 1.Папье-Маше ишлари ҳақида тушунча.
2. Папье-Маше ишларини ташкил этиш.

Папье-Маше сўзи француз рассомининг исм ва фамилиясидир.

Рассом биринчи бўлиб хамир ва қоғозни аралаштириб пластилинга ўхшаш масса ҳосил қилган бу массани қўлда ғижимлаш орқали тайёрланади. Папе – Маше – суюқ масса ва майдаланган, сувда хулланган қоғоз кўпгина газетага ёпиштирувчи модда клей, мел, шунингда кушиб плоб ёрланган берч материалдир. Кам аралашма керакли шаклга осонгина киради , қуригандан кейин уни бўлиш ва лак билан қоплаш мумкин бўлади. Папье машедан буюмлар ўзининг ўзининг чидамлилиги ва ёнишлиги билан ажралиб туради. Ундан турли буюм ва безаклар яшаш мумкин.

Тайёрлаш усули куйидагича:

1 қават ўров қоғоз ёки газета устига олдиндан тайёрланган суюқ хамирни суриб чиқамиз ва хамир сурилган қоғозни қулимизда ғижимлаб майдалаб бир хил масса булгунча эзгилаб оламиз. Тайёр бўлган массани булакларга бўлиб хохлаган ўйинчоқни яшашимиз мумкин.

Ўйинчоқ яшаш давомида барча хайкалтарошлик усулидан фойдаланишимиз мумкин бўлади. Ғижимлаш усули орқали ўйинчоқ яшашдан кўпинча арча безаклари ясалади. Бунда ясалаётган ўйинчоқ ичига симдан илгак

жойлаштирилади. Ясалган ўйинчоқ қуригандан сунг кум қоғоз билан ишкаланиб силликланди. Сунгра оқ гуаш ёки тиш пастаси билан буяб олинади. Қуригандан сунг акварел буёқ билан буялади ва устидан лак берилади.

Бу усул орқали, сабзавотлар, мевалар, хайвон, паррандалар, қушлар, гуллар ва бошқа нарсалар яшаш мумкин.

Ижодий ўйинлар учун қўлланма яшаш

Ижодий ўйинлар учун ишлатиладиган қўлланмаларнинг аҳамияти катта бўлиб, байрам эсталиклари, сайрларда, кўнгил очиш соатларида кенг фойдаланилади.

Бунда шапка маскалар касб кийимлари турли хил белгилар ишлатилади. (магазин

)почта, духтир-духтир, ёъловчи-транспорт ва меҳмон-меҳмон ўйинларида ишлатилади. Бу қўлланмалар болалар, ёшига мос мустаҳкам бўлиши керак. Ранглари ўз ўрнида бўялган ва лакланган бўлиши лозим.

Қўлланмалар асосан картондан ва кераксиз иккиламчи хўл ашёдан тайёрланади. Масалан: Магазин ўйини учун туз, ун, шакар, гуруч оқ пукак(пенопластдан) тайёрланса, бошқа махсулотлар бўшаган қутилардан тайёрласа бўлади: чой, гугурт, совун, атир, дезодарант, ҳар-хил ширинликлар ва бошқалар.

Масалан: Ўйловчи ва транспорт ўйинида барча қопланмалар қалин картондан ясалади, светофор, машина рули, йўл белгилари, таёқчаси, машиналар сурати (Гаи ходими) ва бошқалар

7-амалий машғулот

Мавзу : Картондан турли моделлар ясаш

Мақсад: Болаларни картон билан ишлашга ўргатиш, Болаларни гармоник ривожлантиришга, ижодкорликни, тасаввурни бойитишга, кузатувчанлик ва диққатни фаоллаштиришга, иродани тарбиялашда, чамалаш ва рангни сезишга ўргатади. Кўз билан чамалашга, ҳаракатлар изчиллигини ўргатади.

Жиҳозланиш: Картон турларидан намуналар, оқ қоғоз, қайчи, клей, чизғич, қалам, ҳар хил ранглар. Ҳар-хил расмлар ва намуналар. Тарқатма материаллар.

Машғулот режаси

1. Меҳнат машғулотларида картон билан ишлашнинг аҳамияти.
2. Картондан турли нарсаларни моделлаштириш.
3. Картон ва унинг турлари.
4. Картонга ишлов бериш усуллари.

Болалар меҳнат машғулотларида ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган қоғоз ва картоннинг турлари ҳақида тушунчалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Картон қоғози – картон деб 1 кв мт 250 граммдан ортиқ бўлган қоғозга айтилади. Картоннинг турларини таърифда берадиган бўлсак:

Оқ картон, сариқ картон, кул ранг картон, рангли картон турларидан меҳнат машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотларининг асосий хусусияти шундаки, бу машғулотда буюмларнинг умумий кўринишидаги йиғма, чизма ва буюмнинг намунаси ёки фақат техникавий расм ва чизмалардан фойдаланилади.

Тарбиячи Болаларнинг йиғма чизмани ўқишга, чизма ва намунадан барча деталларни, уларнинг ўлчамини аниқлаш ва ҳар қайси детални мустақил белгилаб олишга ўргатади. Тарбиячи Болаларга намуна ва меҳнат машғулотига чизмани кўрсатиб, болалар билан макетни ясаш учун нечта детал тайёрлаш кераклигини, уларнинг ўлчами шакли қандай бўлишини аниқлайдилар.

“Конструктор” наборидан ясаладиган учувчи, паровоз, трактор, пароход ва бошқа нарсаларнинг моделларни картондан қилинган моделлар билан солиштириб, деталларни андоза ёрдамида тайёрлашни ва деталларни бириктиришни ўрганадилар.

Бошланғич синф меҳнат машғулотларида Болаларни қоғоз ва картондан турли буюмларни техник моделлаш ва конструкциялаш ишлари ҳам назарда тутилган. Қоғоз ва картондан турли шарсаларни моделлаштириш ишлари Болаларни техника малакаларини шаклланишига ёрдам беради.

Турли моделларни ясашда қалин қоғоздан ёки картондан фойдаланилади. Дастлаб ишни тарбиячи ўзи бажариб кўрсатади. Тарбиячи картонни қирқиш, буклаш усуллари, конструкциянинг тузилишини намоиш қилади. Нима учун думалоқланган қоғоз ерга тез тушушини, горизантал яссиликлар ҳосил қилинган қоғоз нима учун қуш каби учушини тушунтиради.

Вертолёт моделини ясаш учун аввал бўйи 15мм, эни 40 мм картондан асосий кабинасини, яна шу картондан паррагини ва рулини ясаш керак. Картонни 2-3 буклаб ғилдираклари тайёрланади. Кейин улар ингичка сим билан мантаж қилинади.

Самолёт кабинаси 35-100 мм ли картондан қирқилади. Кейину қаламга ўраб найча ҳосил қилинади, уни бир учини белгилаб самолёт тумшуғини томони қирқилади. Қолган қисмлари ҳам чизмага қараб тайёрланади.

Амалий топшириқ.

Талабалар Картондан турли моделларни ясаш амалий машғулоти учун иш жойини ташкил этадилар. Намуна қараб картондан турли моделларни ясайдилар. Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар

8- амалий машғулот

Мавзу : Қолип, андоза ва муҳр техникаси

Мақсад: Қолип, андоза ва муҳр техникаси билан таништириш. Кўргазмали курулнинг ўлчам ва чизмасининг аниқлаш Қолип, андоза ва муҳр техникаси тайёрлаш учун керакли малака ва кўникмаларни бериш.

Жихозлаш: Қолип, андоза ва муҳр техникаси турлари. Кўргазмалардан намуналар.

Циркуль, қайчи, клей, қалам, чизғич, паралон, пўкак, пластмасса материаллар

Машғулот режаси:

1. Муҳр тайёрлаш техникаси.
2. Трафарет шаблон хақида тушунча.
3. Трафарет тайёрлаш жараёни билан таништириш.
4. Қоғоз ва картондан трафарет шаблон тайёрлаш

Муҳр - ишлаб чиқаришда босим кучи билан ясайдиган асбоб муҳр дейилади. Муҳр штампнинг бир туридир. У ўчирғич, паралон, картошка ва лавлагидан тайёрланади.

Муҳр тайёрлаш учун йирикрок картошка танланади. Картошкани иккига бўлиб, оддий контурли расм (қўзқорин, юлдуз, барг, гул) туширилади ва учли пичоқ ёрдамида картошка расм контури бўйича 0,5 см чуқурликда ўйилади. Картошканинг ён томонлари ўйилган контургача қирқилади ва кераксиз қисм олиб ташланади, натижада штамп ҳосил бўлади. Ана шу бўртиб чиққан жойига бўёқ сурилиб, муайян нарсга қоғозга туширилади.

Картошка, лавлаг, турп, сабзилардан тайёрланган муҳрлар бир маротаба ишлатиладиган муҳрлардир, улар кўп ишлатилмайди. Узоғи билан 2-3 кун ишлатилади.

Кўп маротаба ишлатиладиган муҳрлар паралон, ўчирғич, пўкакдан ясалгани кўп маротаба ишлатилади.

Трафаретлар, шаблонлар ҳозирда саноатда хилма-хил сохаларида ишлатилиб келинмоқда.

Трафарет — дермантик, калин коғоз, рангли картон, тунука целюлоид, пластмассадан тайёрланадиган пластинкадир.

Трафаретдан куп карра такрорланувчи расмлар, харфлар, ёзувларни олишда фойдаланилади. Трафаретлар курилишда, деворларни безашда тайёр махсулот саналади.

Мактабгача таълим муассасаларида трафаретлар клёнка, калин картондан, накш харфларни аниқ чизиклар билан туширилиб, расмни уйиб киркиб олинади.

Трафарет икки хил бўлади:

- Оддий трафарет;
- Мураккаб трафарет.

Оддий трафарет деб - ҳеч қандай қисмлари бўлмаган, оддий шаклни киркиб олинган трафаретга оддий трафарет деб айтилади.

Масалан: кузикорин, шарлар.

Мураккаб трафарет деб - бир неча қисмлари болган трафаретга айтилади. Бунга: рангли хайвонлар, гуллар, манзаралар тасвирларини айтиб утиш мумкин.

Трафарет қуйидагича ясалади:

Калин картонга сон раками, фигура ёки хайвон шакли тушнрилади. Туширилган шакл секин - асталик озгина писка оркали кесиб туруб, колган қисми аста-секинлик билан қайчида киркиб олинади. Шаклни киркиб олаётганда эҳтиёткорлик билан иш бажарилади, унда трафаретнинг томонини киркиб юбормасликка ҳаракат қилиш лозим.

Киркиб олинган булак шаблон, колган қисми эса трафарет дейилади. Иккала тасвирни саклаш лозим. Ундан кейинчалик тескари из олиш мумкин.

Буяш турларида ҳам шаблон ва трафаретдан фойдаланиш мумкин

9- амалий машғулот

Мавзу :Олмали дарахт кўргазмали қуроллини тайёрлаш

Мақсад: Картон ва унинг хусусиятлари билан таништириш. Кўргазмали қуролнинг ўлчам ва чизмасининг аниқлаш. Картондан кўргазмали қуроллини тайёрлаш учун керакли малака ва кўникмаларни бериш. Кўргазмали қуролни таълимий ва тарбиявий аҳамияти.

Жиҳозлаш: Қоғоз ва картон турлари. Кўргазмалардан намуналар. Циркуль, қайчи, клей, қалам, чизғич, тарқатма материаллар.

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулот темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Уйга берилган топшириқ бўйича суҳбат,
- 3- Бажариладиган намуна тахлили.
4. Ниши бажариш тартиби.
5. Кўргазмани тайёрлаш бўйича мустақил иш.
6. Ишни тахлили ва баҳолаш.

Қоғоз ва картондан кўргазмали қуролларни яшаш машғулотларда буюмларнинг умумий кўринишидаги йиғма, чизма ва буюмининг намунаси ёки техникавий расм ва чизмалардан фойдаланилади.

Ўқитувчи болаларни йиғма чизмани ўқишга, чизма ва намунадан барча деталларни, уларнинг ўлчамини аниқлашга ва ҳар қайси детални мустақил белгилаб олишга ўргатади, Ўқитувчи болаларга намуна ва меҳнат машғулотдаги

чизмани кўрсатиб, болалар билан кўргазмали қуролни яшаш учун нечта детал тайёрлаш кераклигини уларни ўлчаши шакли қандай бўлишини аниқлайдилар.

Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотларда болалар олдиндан қуйидагича тайёргарлик кўришади: столнинг устига қоғоз ёзиб, иш учун керакли иш қуроллари ва материаллар иш қўроллари олиб тайёрлайдилар. Ҳар бир машғулот охирида болалар кейинги машғулотда керакли бўладиган нарсаларни ёзиб оладилар.

Болалар ишлаётган материалларга тсжамкорлик билан муносабатда бўлишлари, ўз ишини режалаштира билишлари, вақтдан унумли фойдаланишлари шу билан бирга иш жойларини тоза ва озода сақлашлари, синф хонасини тозалаб қўйишлари керак.

Савол ва толшириқлар.

Бунда асосан режа бўйича талабаларнинг жавоблари тингланади. Талабаларнинг машғулотга тайёргарлигини текшириш учун қўйидаги саволлар берилади.

1. Меҳнат машғулотларида кўргазмали қуроллар билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Олмали дарахт кўргазмали қуроли қайси фанда қўлланилади.
3. Кўргазмани тайёрлашда қандай усуллариладан фойдаландингиз.
4. Қоғоз ва картондан яна нималар яшаш мумкин.
5. Қандай кўргазмали қуролларни биласиз ва уларнинг номлари қандай.
6. Иш жойини тўғри ташкил қилиш қандай аҳамиятга эга.

Амалий топшириқ.

Талабалар картондан фойдаланиб санок сонлари кўргазмали қуролини тайёрлайдилар. Рангли қоғозларга қўшимча ишлов берадилар. Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий томони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар. Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.

10-амалий машғулот

Мавзу: Санок сонлар кўргазмали қуролини тайёрлаш.

Мақсад: Картон ва унинг хусусиятлари билан таништириш. Кўргазмали қуролнинг ўлчам ва чизмасини аниқлаш. Картондан кўргазмали қуролини тайёрлаш учун керакли малака ва кўникмаларни бериш. Кўргазмали қуролни таълимий ва тарбиявий аҳамияти.

Жиҳозлаш: Қоғоз ва картон турлари. Кўргазмалардан намуналар.

Циркуль, қайчи, клей, қалам, чизғич. Тарқатма материаллар.

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулот темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Ўйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна таҳлили.
4. Кўргазмани тайёрлаш бўйича мустақил иш.

Қоғоз ва картон билан ишлашнинг асосий хусусияти шундаки, бу машғулотларда буюмларнинг умумий кўринишидаги йиғма, чизма ва буюмнинг намунаси ёки техникавий расм ва чизмалардан фойдаланилади.

Ўқитувчи болаларни йиғма чизмани ўқишга, чизма ва намунадан барча деталларни, уларнинг ўлчамини аниқлашга ва ҳар қайси детални мустақил белгилаб олишга ўргатади. Ўқитувчи болаларга намуна ва меҳнат машғулотидаги

чизмани кўрсатиб, болалар билан кўргазмали қуролни яшаш учун нечта детал тайёрлаш кераклигини, уларни ўлчами шакли қандай бўлишини аниқлайдилар.

Қоғоз ва картон билан ишлаш машғулотида болалар олдиндан қуйидагича тайёргарлик кўришади: столнинг устига қоғоз ёзиб, иш учун керакли иш қуроллари ва материалларни олиб тайёрлайдилар. Ҳар бир машғулоти охирида болалар кейинги машғулотида керакли бўладиган нарсаларни ёзиб оладилар.

Болалар ишлаётган материалларга тежамкорлик билан муносабатда бўлишлари, ўз ишини режалаштира билишлари, вақтдан унумли фойдаланишлари шу билан бирга иш жойларини тоза ва озода сақлашлари, синф хонасини тозалаб қўйишлари керак.

Савол ва топшириқлар.

Бунда асосан режа бўйича талабаларнинг жавоблари тингланади. Талабаларнинг машғулотида тайёргарлигини текшириш учун қўйидаги саволлар берилади.

1. Мехнат машғулотида кўргазмали қуроллар билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Санок сонлари кўргазмали қуроли қайси фанда қўлланилади.
3. Кўргазмани тайёрлашда қандай усулларида фойдаланингиз.
4. Қоғоз ва картондан яна нималар яшаш мумкин.
5. Қандай кўргазмали қуролларни биласиз ва уларнинг номлари қандай.

Амалий топшириқ.

Талабалар картондан фойдаланиб санок сонлари кўргазмали қуролни тайёрлайдилар. Рангли қоғозларга қўшимча ишлов берадилар. Машғулотида таълимий ва тарбиявий томони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар.

Машғулотида ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.

11-амалий машғулоти **Аппликация ва мозаика билан ишлаш** **машғулотида ташкил этиш.**

Газламалардан қирқиб ёпиштириш аппликация

Газламадан ва қоғоздан қилинган аппликация ишларини бир биридан фарқи. Аппликация -бадий асарларни яратишнинг энг содда ва осон усулидир, бундан тасвирнинг реалистик асоси сақланади. Аппликация 2005 йил муқаддам кўчманчи халқларда пай до бўлган. Аппликация билан кийим бош турар жойлар безатилган. Бу ишда улар тери-мўйна наъмат-ладан фойдаланишган. Аппликация турли халқларда турли материаллардан тайёрланган.

Якутлар аппликация ишида пўстлоқдан фойдаланишган, бўялган пўстлоқдан қилинган аппликациялар билан улар ўтовларни безашган.

Шимол халқлари аппликацияда тери, мўйна, сунно ишлатишган.

Кўли, қозоқ, осетин, бурят ва бошқа халқлар аппликациядан миллий кийим уй-рўзгор предметларни безатишда фойдаланишган.

Газламадан аппликация материали сифатида анча кейинроқ фойдалана бошланди.

Газлама парчаларини фон хизматини ўтовчи материалларга тикиб нақш яратилган. Газламадан ясалган аппликация билан кийим бош, уй-рўзгор предметларни безатилган

Миллий каштачилик ва аппликация хақида тушунча

Кашта асосан безак санъат туридир. Турли ранглардаги ип, игна, илмоқли бигиз билан мато, трикотаж чарм, кигиз картонга қолда ёки машинада гул нақш тасвир тикилади. Кашта кийимлар ва буюмларни безашда ҳамда рўзгор безак буюмларини тайёрлашда қадимдан қолланилади. Кашта ипак, пахта, жун, зиғир, сунъий толалардан тайёрланган иплар, майин сим, зар иплар, хўл чармдан энсиз қилиб тайёрланган тасмачалардан тикиш, мунчоқ, маржонлар, нодир ва қимматбаҳо тошлар, рангли табиий ва сунлий, оддий тошлар, рангли шишалардан ишланган мунчоқлар қадаб тайёрланади.

Пахта халқ хўжалиги ва саноат учун қимматбаҳо хом ашёдир. Пахтадан газлама, ип, арқон, балиқ тутиш учун тўр, болалар ойинчоқлари ва одамлар учун керакли бошқа колр нарсалар тайёрланади. Пахта чигитидан пахта ёғи, кунжара ва бошқалар олинади. Чигит пўстидан нарсаларни бўяш учун қоғоз тайёрланади. Пахта поясидан химоя саноатида қимматбаҳо ҳисобланган хомашё, арқон тайёрланади, ёкилгл сифатида фойдаланилади. Хуллас, пахтадан ҳеч қандай чиқинди чиқмайди, ундан одамларга керак боладиган турли нарсалар олинади. Пахтадан тайёрланган газламаларнинг қуйидаги хиллари мавжуд: сатин-қалин газлама, олд томони силлиқ бир оз ялтирайди, тескари томони ялтирайди;

-чит сатинга қараганда бир оз иплари ингичкароқ ва юмшоқроқ;

-дока читга қараганда юмшоқроқ ва йирик тўқилган, дока ёруғлик ўтказди, чит эса ўтказмайди.

Синтетик толадан олинган газламалар: шойи, креп, крепин, трикотик, вилюр ва хакозо.

Жундан олинган газламалар- шерст, драп.

Ипакдан: атлас, шойи, адрас, бекасам.

Нотўқима газламалар: бўз, брезент, канорқоп.

Амалий санъатнинг энг кенг тарқалган тури каштачиликдир. Унда асосий бўлган сўзана қадим замонлардан ҳар бир оиланинг буюми бўлган ва ҳозир ҳам шундайдир. Бухоро ва Самарқанд сўзаналари кўпранглилиги ҳамда шакллариининг хилма-хиллиги ниҳоятда нозик тикилиши билан фарқланади. Ўзбек аёлларининг чеварлик маҳоратини намоён этивчи буюмлардан бири чойшабдир. Аёлларни ҳуснига ҳусн кўшадиган, эркакларга камолот бахш этадиган каштачиликнинг бир тури дўппидир. Бухоронинг зар дўпписи, Наманганнинг чуст дўпписи, ироқи, духоба ва бошқа дўппилар ғоят машҳурдир. Каштачиликда белбоғ, дастрўмол, сандалпеч, сўзана, зардевор, пиллабанд, халин ва ҳар хил халтачалар жуда нафис қилиб безатилади.

Кашта тикиш вақтида ип танлашнинг аҳамияти каттадир. кашта тикишда мулине (ипак пахта) ип ишлатилади. Ғалтак иплар ҳар хил 10 дан 100 гача рақамли бўлади. Юпқа газламаларни тикиш учун ингичка, яъни 50-60 ва хоказо номерли иплардан, қалин газламалар учун йўғон, яъни 30-40 ва хакозо рақамли иплардан фойдаланилади. Иплар бир-бирига қўшилган чиройли бўлади. Масалан: қизил билан кўк рангли, зарғалдоқ билан бинафша рангли, вақтида асбоблардан (ангишвона, ҳар хил нина, қайчилар) фойдаланишда хавфсизлик техникаси қоидаларида ҳой а қилинади.

Ишга киришишдан олдин фартук ва энг кийилади.

Ангишвона бармоқларни нина киришдан сақлайди ва газламадан нина ўтказишда ёрдам беради.

Аппликация газламадан бир неча хил усулда бажарилади:

Газлама петля чоки орқали қолда тикилади. Газламага ишланадиган аппликацияни чети қолда петля чоки орқали тикилади;

Аппликация қилинадиган газлама орасига салафан қўйиб, дазмолланади;
Аппликация қилинадиган газламани чети машинада зиг-заг қилинади.

12-амалий машғулот

Мавзу : Барглардан аппликация ясаш.

Мақсад: Болаларни табиатдаги ўсимликлар билан таништириш. Баргларни тўплаш ва сақлашга ўргатиш. Ўсимликларни қуритиш усуллари билан таништириш. Қўритилган барглардан аппликация ишларини бажаришга оид малака ва кўникмаларини шакиллантириш.

Жнҳозлаш: Ўсимликларга оид китоблар, қўритилган ўсимлик барглари, қайчи, клей, тарқатма материаллар.

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулот темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Уйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна тахлили.
4. Ишни бажариш тартиби.

Табиий материалларни тўплаш тарбиячи қўйган мақсадга боғлиқ бўлади. Болалар кўриб чиқилган батафсил тахлил қилингин ёки ўзлари уйлаб топган мазмун учун материал тўплайдилар.

Табиатдаги баргларни катта-кичиклигига, унинг рангига, шаклининг мослигига қараб тўпланади. Катта барглар гавда ўрнида, кичик барглар эса майда қисмларни тайёрлашда ишлатилади. Ўсимлик гуллари, барглари пояси ва шу кабиларни тўплаш мақсадида экскурсияга чиқилганда бир жуфт газета, қайчи бўлиши шарт. Газета дафтарсимон тахланиб, орасига материаллар тартиб билан жойланади. Гулларни, ўсимлик баргларни қўл билан синдириб бўлмайди. Қайчи ёрдамида қирқиб олиш керак. Баргларни қуритиб олишда ҳар қандай намликдан ҳоли бўлиши керак, акс ҳолда барглар қўритилганда унда доғларнинг изи қолади. Қуритилаётган баргларни табиий рангини сақлаб қолишнинг энт муҳим шарти уларни шомол ўтиб турадиган жойда, елвизакда, қуёш нурида тез қуритиб олиш керак. Баргларни қуритиш уч суткадан ошмаслиги керак. Баргларни қуритиш турли усулларда амалга оширилади: Гербарий рамкаларида қуритиш, прессда қуритиш, дазмоллаб қуритиш.

Бугун қуритилган барглар ёрдамида табиатдаги гўзал ҳашоратлардан бири капалак аппликацияни ясаймиз.

Намуна тахлили.

- 1) Капалак қандай ҳашорат,
- 2) Капалак қандай қисмлардан ташкил топган.
- 3) Унинг қисмлари қандай жойлашган.
- 4) Қайси ўсимлик ва дарахт барглари капаклакни қаноатларига мос келади,

Ишни бажарилиш тартибини аниқлаш.

- 1) Капалакнинг айрим қисмлари (танаси, қаноатлари)нинг жойлашишини график тасвирлаш.
- 2) Капалакнинг танаси ва қаноатлари учун шакли ҳамда ўлчамлари бир хил бўлган баргларни топиш.
- 3) Уларни қоғозга жойлаштириш.
- 4) Ишни бажарилиш усуллари ҳақида тушунтиришлар.

5) Ишни амалий бажариш.

Капалак аппликациясини бажариш бўйича мустақил иш.

- 1) Шакл, ўлчам ва буёқларни тўғри танлаш;
- 2) Елимлаш ишларини тартибли бажариш;
- 3) Капалакнинг кўз ва мўйларини тўғри тасвирлаш;
- 4) Иш бажарилган қоғознинг орқасига баргларида фойдаланилган дарахтларнинг номларини ёзиш;

Амалий топшириқ.

Талабалар капалак шаклини қандай қисмлардан ташкил топгани, қандай жойлашганини график тасвирини қоғозга чизадилар. Шу тасвирга мос қуритилган барглardan фойдаланиб капалак аппликациясини ясадилар. Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий томони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар.

13-амалий машғулот

Мавзу : Сомондан аппликация ясаш.

Мақсад: Болаларни гармоник ривожлантиришга, ижодкорликни, тасаввурни бойитишга, кузатувчанлик ва диққатни фаоллаштиришга, иродани тарбиялашга, чамалаш ва рангни сезишга ўргатади. Кўз билан чамалашга, ҳаракатлар изчиллигини ўргатади.

Жиҳозланиш: Сомон қаламчалари, оқ қоғоз, қайчи, клей, чизғич, қалам. Ҳархил расмлар ва намуналар. Тарқатма материаллар.

Машғулот режаси.

1. Меҳнат машғулотларида табиий материаллар билан ишлашнинг аҳамияти.
2. Сомонни тўплаш ва қуриш олиш.
3. Сомондан аппликация ишлари бажариш.
4. Сомондан керакли нарсаларни ясаш.
5. Сомондан аппликация ясаш бўйича мустақил иш
6. Ишни таҳлили ва баҳолаш.

Пахол-сомондан тўқиш ва декорация, аппликация ишларида (кутичалар, панеллар, қаламдонлар) ва шу кабиларга безак беришда фойдаланилади. Бу мақсадда жавдар, бўғдой, арпа сомонлари ишлатилади. Агарда бу ўсимликларнинг пояси яхшилаб кўриб чиқилса, поянинг ўзаро бўғинлар билан бирикканлигини, энг юқоридаги қисми ингичкароқ, узунроқлигини кўриш мумкин. Пояни ана шу қисмларидан қирқиб қисмларга ажратилади. Қирқилган поя қисмлари кўриниши ва узунлигига кўра сортларга ажратилади: энг узун бириинчи сорт, калтароғи иккинчи сорт, энг қисқаси учунчи сорт.

Аппликация ва безаш ишларида сомонни ишлатишдан олдин сомон боғламини тоғорага солиниб, устидан қайноқ сув қўйилади ва тоғара бир сутка сақланади. Бир суткадан сўнг уни тоғорадан олиб, суви силқитиб тушурилади ва ҳар бирини узунасига ўртасидан бўлинади.

Қирқанда пастдан юқорига қараб қирқилади. Сўнгра сомоннинг қирқилган томонини пастга қилиб қўйиб, илиқ қилиб дазмолланади. Дазмолнинг қизиганлик ва дазмоллаш вақтига кўра сомонни турли рангларга киритиш мумкин. Масалан очсарик, сарик, жигарранг, оч жигарранг. Дазмолланган сомон эҳтиёткорлик билан қутичага солиб қўйилади.

Агарда сомондан нарсалар ёки кўғирчоқ тўкиладиган бўлса, уни тоғорадан намлигида олиб, юмшоқ вақтида 4 та сомондан иборат лента тўкилади ёки боғ қилиб боғлаб кўғирчоқ ясади, тўкилган сомон лентадан турли нарсалар: шляпалар, кармонлар ва шу кабилар тўкилади.

Савол ва топшириқлар.

1. Аппликация ишларининг асосий материаллари нималар.
2. Меҳнат машғулотларида Сомон билан ишлашнинг мақсади нима.
3. Сомондан аппликация ишини бажариш турлари қандай.
4. Сомонлар нималардан олинади.
5. Сомон қаламчалари ишга қандай тайёрланади.
6. Сомонни тўқиш билан яна нималар яшаш мумкин.

Амалий топшириқ.

Талабалар сомондан аппликация яшаш амалий машғулоти учун иш жойини ташкил этадилар. Намунага қараб сомондан аппликация яшашдилар. Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.

14-амалий машғулот

Мавзу : Табиий ва маҳаллий материаллар билан ишлаш.

Мақсад: Болаларни табиий материаллар билан таништириш ва табиий материаллар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш. Табиий материалларни тўплаш ва сақлашга оид билимларни ўрганиш. Ўз ишини режалаштиришни шакиллантириш, табиий материаллардан кўرғазмалар яшаш малакасини ривожлантириш. Болаларда материал ва расм танлаш дидини тарбиялаш.

Жиҳозлаш: Табиий материалларга оид китоблар, расмлар, қурилган табиий материаллар (сомон, барглари, данак пўчоғлари, патлар ва бошқалар), керакли асбоб ускуналар (қайчи, оқ қогоз, клей, чўтка, буёқлар).

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулоти темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Уйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна таҳлили.
4. Табиий материаллардан аппликация бажариш бўйича мустақил иш.

Ўзбекистан табиий ресурсларга, фойдали қазилмаларга, ўсимликларга, қушларга ҳайвонларга ва ҳашоратларга бой ўлкадир. Республикамиздаги бу табиий бойликлар саноатда, турмушда фойдаланиладиган хом ашё бўлиши билан бир қаторда, меҳнат машғулотларида бажариладиган ишлар учун табиий материал бўлиб ҳам хизмат қилади.

Меҳнат машғулотларида ўсимликларни шохлари, илдизлари, барглари, мева ва резавор уруғлари, қушларнинг патлари, самон ва ўт пояси, балиқ тангалари маҳаллий материал сифатида фойдаланилади.

Табиий материалларни бутун йил давомида тўплаш лозим, чунки йилнинг ҳар бир фасли ўз хусусиятларига эгадир. Табиий материалларни тўплайдиган ҳар бир бола табиий материалларни тартибли йиғиш ва тайёрлаш лозимлигини билиши, барг тўплаш жараёнида дарахтлар, буталар шохларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши керак.

Табиий материалларни тўплаш ва қуришиб олишда газета, гербарийлар папкаси, қайчи, пахта бўлиши керак.

Ўсимликларни гуллари, барглари, пояси ва шу кабиларни тўплаш мақсадида экскурсияга чиқилганда бир жуфт газета, қайчи бўлиши шарт. Газета дафтарсимон тахланиб, орасига табиий материаллар тартиб билан жойланади. Гулларни қўл билан синдириб бўлмайди, акс ҳолда пояси зарарланиши мумкин. Қуришиб олишга мўлжалланган ўсимликлар ҳар қандай намликдан ҳоли бўлиши керак, акс ҳолда ўсимлик қуритилаётганда унда доғларнинг изи қолади. Қуритилаётган ўсимликларни табиий рангларини сақлаб қолишнинг энг муҳим шарти уларни шамол ўтиб турадиган жойда, елвизакда, қуёш нурида тез қуришиб олишдир. Ўсимликларни қуришти 3 суткадан ортиқ давом этмаслиги керак. Турли ўсимликларни тўплашни ўз муддатлари бор.

Савол ва топшириқлар.

1. Мехнат машғулотида табиий материаллар билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Табиий материалларни тўплашни қаерда амалга оширингиз.
3. Табиий ва маҳаллий материалларни қуришти ва сақлашни қандай усулларида фойдаландингиз.
4. Табиий ва маҳаллий материаллардан нималар ясаш мумкин.
5. Қандай табиий ва маҳаллий материалларни биласиз ва уларнинг номлари қандай.

Амалий топшириқ.

Талабалар табиий ва маҳаллий материаллардан тайёрлайдилар ва бирор шаклни жойлашганини қоғозга контурини чизадилар. Шу тасвирга мос табиий материалларидан фойдаланиб аппликациясини ясайдилар. Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий томони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар. Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.

15-амалий машғулоти

Мавзу : Бадиий қуриш –яашда табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлаш.

Мақсад: Болаларни гармоник ривожлантиришга, ижодкорликни, тасаввурни бойитишга, кузатувчанлик ва диққатни фооллаштиришга, иродани тарбиялашда, чамалаш ва рангни сезишга ўргатади. Кўз билан чамалашга, ҳаракатлар изчиллигини ўргатади.

Машғулоти режаси:

1. Болаларни бадиий қуриш-яашга ўргатиш.
2. Бадиий қуриш-яаш машғулотларнинг вазифалари.

Болаларнинг бадиий ижодкорлиги машғулотида ўсимликларни шохлари, илдизлари, барглари, мева ва резавор уруғлари, қушларнинг патлари, Сомон ва ўт пояси, балиқ тангалари маҳаллий материал сифатида фойдаланилади.

Табиий материалларни бутун йил давомида тўплаш лозим, чунки йилнинг ҳар бир фасли ўз хусусиятларига эгадир. Табиий материалларни тўплайётган ҳар бир бола табиий материалларни тартибли йиғиш ва тайёрлаш лозимлигини билиши, барг тўплаш жараёнида дарахтлар, буталар шохларига нисбатан эҳтиёткорона

муносабатда бўлиши керак. Табиий материалларни тўплаш ва қуришиб олишда газета, гербарийлар папкаси, қайчи, пахта бўлиши керак. Ўсимликларни гуллари, барглари, пояси ва шу кабиларни тўплаш мақсадида экскурсияга чиқилганда бир жуфт газета, қайчи бўлиши шарт. Газета дафтарсимон тахланиб, орасига табиий материаллар тартиб билан жойланади. Гулларни қўл билан синдириб бўлмайди, акс ҳолда пояси зарарланиши мумкин. Қуришиб олишга мўлжалланган ўсимликлар ҳар қандай намликдан ҳоли бўлиши керак, акс ҳолда ўсимлик қуритилаётганда унда доғларнинг изи қолади. Қуритилаётган ўсимликларни табиий рангларини сақлаб қолишнинг энг муҳим шарти уларни шамол ўтиб турадиган жойда, елвизакда, қуёш нурида тез қуришиб олишдир. Ўсимликларни қуришти 3 суткадан ортиқ давом этмаслиги керак. Турли ўсимликларни тўплашни ўз муддатлари бор. Болаларнинг бадий қуриш-ясаш фаолиятлари купинча мазмунли, уйин характерида ташкил этилади. Бадий қуриш-ясаш жараёнида қулланиладиган материаллар характериға кура қуйидаги турларға булинади:

-турмушда қулланиладиган буюм ва нарсалардан (газламалар, коғоз, картон, қутичалар, ипдан бушаган галтаклар, гугурт қутичалари каби материаллардан)қуриш-ясаш;

-табиий материаллардан қуриш-ясаш.

Қийимларни газлама, коғоз, картон ва ташландик материаллардан қуриш-ясаш серкирра иш бўлиб, у Болалардан купрок ижодий ёндошишни талаб этади. Болалар ана шу материалларға қушимча ишлов бериш йули билан турли ижодий ишларни амалға оширадилар. Мазкур материаллар таркибига табиий материаллардан қушиб ишлатилиши машгулотларнинг янада кизикарли бўлишини таъминлайди.

Турли катта-кичикликдаги уйинчоклар, гуллар, никоблар ва шу кабиларни тайёрлаш жараёнида Болаларнинг тасаввурлари, фантазиялари, ижодий қобилиятлари янада ривожланади, кенгаяди.

Болаларға намуна тарикасида турли уй ва ёввойи ҳайвонларнинг уйинчок нусхалари, расмлари, диапозитивлари ёки жонли бурчакдан Ҳайвонларнинг узларини олиб келиб курсатиб қуйиш тавсия этилади. Бадий қуриш-ясаш машгулотларида Болалар арча уйинчоклари, декоратив гуллар, декоратив аппликациялар ясайдилар ва улардан гуруҳ хонасини, йулақларларни, сахнани безашда фойдаланишадилар

Бадий қуриш-ясаш.

Бадий қуриш-ясаш машгулотларнинг вазифалари: болаларни турли коғозлар газета, ёзув, расм чизиладиган, юпка, хитой коғозлари, буюмлар ўраладиган, рангли в.б. коғозлар ва уларнинг бадий аҳамияти, уларнинг қуриш-ясашдаги узиға Хос хусусиятлари пишиқлиги, гижимланиши, йиртилиши, бадий қуриш-ясашдаги имқониятлари билан таништириш; коғоз билан ишлашда қулланиладиган асбоб ва жихозлар бигиз, қайчи, чизгич андозалар, уларнинг аҳамияти ва ишлатиш усуллари, сақлаш қоидалари хакида маълумот бериш; бадий қуриш-ясаш жараёнида керакли элемент ва деталларни рангига кура танлай билишға ургатиш; иш жараёнида чамалаш қобилиятларини ривожлантириш; коғозға ишлов бериш усуллари коғозни бир канча қават қилиб буқлашдан, андоза ёрдамида белгилаб чиқиш; тугри ва эгри чизиклар буйлаб қайчида қирқиш; деталларни узаро элим, пластилин, ип ёрдамида бириктира олиш малакаларини

устириш; уз иш жойини тоза ва озода тутишга ургатиш; юзаларни аппликация безаш малакаларини Хосил килишдан иборат.

Болаларни бадий куриш-ясашга ўргатиш.

Болалар топширикларни бажараётганларида куйидагиларни амалга оширадilar: картон ва коғозлардан цилиндрик куришдаги ўйинчоклар одам, баробан, каламдон ва бошқалар, элканли кайиклар, арча байрами учун турли никоблар, арча ўйинчоклари; коғозларни буклаш оркали «хуроз», «балик», «учувчи кушлар» вaш у кабиларни куриш-ясаш.

Байрам безаклари вa бадий тасвирга булган ижодкорликни оширишда бадий куриш вa ясаш машгулотлари катта рол ўйнайди. Бадий куриш ясаш машгулотларини отказиш учун болаларга турли-туман бадий вa табиий материаллар зарур болганлиги сабабли, Тарбиячи бу масалага оз этиборини копрок каратиши керак булади.

Бадий куриш ясаш машгулотларида тарбиячи болаларни факат бир хил материал ёрдамида ишлаш билан чегаралаб коймаслиги лозим. Улар хам табиий, хам бадий, хам ташландик материаллар болишлиги мумкин.

Бундай машгулотларда тарбиячи табиий вa ташландик материаллар ёрдамида хашорот, куш, хайвон, одам кабиларнинг шаклини корсатиши мухимдир. Масалан: илдиздан илон, калта кесак, ёнгок пўчоғидан тошбака косаси, тухум пўчоғидан пингвин, жухори узагидан хайвон танаси шакллари куриш мумкин.

Машгулотларнинг самарадорлиги болаларни, ўйда, кучада, сайёхат вактида табиий вa ташландик материалларни коплаб йиғиш хамда мактабга олиб келишга хам боглик.

16- амалий машгулот

Мавзу : Тухум пўчоғидан мозаика ишлари.

Мақсад: Болаларни гармоник ривожлантиришга, ижодкорликни, тасаввурни бойитишга, кузатувчанлик вa диққатни фаоллаштиришга, иродани тарбиялашда, чамалаш вa рангни сезишга ўргатади. Кўз билан чамалашга, ҳаракатлар изчиллигини ўргатади.

Жиҳозланиш: Тухум пўчоғи, оқ қоғоз, қайчи, клей, чизғич, қалам, ҳар хил ранглар. Ҳар-хил расмлар вa намуналар. Тарқатма материаллар.

Машгулот режаси

1. Меҳнат машгулотларида мозаика ишларининг аҳамияти.
2. Табиий материаллардан мозаика.
3. Мозаика ишларини бажариш.
4. Тухум пўчоғидан мозаика ясаш усули.

Мозаика монументал декоратив саънат турларидан биридир. Турли даврларда вa турли мамлакатларда мозаика қўлланиладиган материалга кўра хам, нақў вa расмларига кўра хам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Ўрта Осиё мадрасалари, мачитлар, ҳукмдорларнинг саройлари мозаика билан безатилган. Мозаика ҳозирги кунда монументал саънатга айланган. Мозаика билан биноларнинг ташқи қисмлари, деворлари вa ҳалқ амалий саънати асарлари безатилади. Мозаика ишларида ойна, сапол плиталаридан офдаланилади. Лоасда рангли кўзгу парчаларидан ажойиб мозаика асарлари яратилади, улар куёшда бир-бирига қўшилиб вa порлаб, шодлик кайфиятини яратади.

Мозаика бу расм сатҳида айрим-айрим парчалар (қоғоз, ойна, сопол, гул тожибарглари, тухум пўсти ва шу кабилар) қўйиб чиқишдир.

Тухум пўчоғини майдаланган ва бутун ҳолда сақлаш мумкин. Тухум пўчоғини бутун сақлаш учун тухумнинг икки учи тешилади ва унинг ичидагилари пуфлаб чиқарилади. Бунинг натижасида ичи бўш тухум пўчоғига эга бўлинади. Бундай пўчоғни синувчан бўлганлиги учун қутичаларда сақлаш керак. Тухум пўчоғини майдаланганлигини ҳар қандай хом ва пишган тухумдан тайёрлаш мумкин. Фақат ички пардаси олиб ташланиши керак.

1.Тухум пўстидан мозаика ишларини бажариш учун ювиб кўритилган тухум пўсти мўйқалам ёрдамида акварел бўёқлари билан керакли рангларга бўялади.

2. Бўёқ қуригандан кейин тухум пўстини танланган расмга кўра майда ва йирик бўлақларга бўлинади.

3.Тухум пўстидан мозаика қилишда шундай тасвирни танлаш керакки уларнинг контурлари мумкин қадар текис ва майда эгри-бугрилари бўлмаслиги керак.

4. Контур қора қоғоз орқали ўтказилади ёки шаблондан айлантриб чизилади.

5. Аввал расм сатҳининг бир қисмига елим суртилади. У ерга тухум пўсти териб сиқилади, кейин иккинчи қисмига ҳам шу тартибда давом эттирилади.

6. Ортиқча елим тоза латта билан артиб тозаланади, пўст яхшироқ ёпишиши учун устидан секин босиб қўйилади.

Бундай иш одатда энг оддий контурлардан бошланади. Кейинроқ контурлар анча мураккаблашади.

Турли мева ва сабзавот, поллиз экинларининг уруғлари, данак, балик тангалари, чиғаноқ, майда тошлар билан хилма-хил мозаика ишларини бажариш мумкин

Савол ва топшириқлар.

1. Мозаика қандай саънат тури ҳисобланади.
2. Мозаика ишлари билан қаерлар безатилган.
3. Тухум пўчоғидан мозаика яшаш қандай амалга оширилади.
4. Мозаиканинг контури қандай олинади.
5. Яна нималардан мозаика ишларини бажариш мумкин.

Амалий топшириқ.

Талабалар Тухум пўчоғидан мозаика яшаш амалий машғулоти учун иш жойини ташкил этадилар. Намуна қараб тухум пўчоғидан мозаика ишларини ясайдилар. Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.

17- амалий машғулот

Мавзу: Лой билан ишлаш

машғулотларини ташкил этиш

Мақсад: Болаларни гармоник ривожлантиришга, ижодкорликни, тасаввурни бойитишга, кузатувчанлик ва диққатни фаоллаштиришга, иродани тарбиялашда, чамалаш ва рангни сезишга ўргатади. Кўз билан чамалашга, ҳаракатлар изчиллигини ўргатади.

Машғулот режаси:

- 1.Ҳайкалтарошлик саънати аҳамияти.

2. Лой билан ишлаш усуллари.

3. Пластилин билан ишлаш усуллари.

Мактабгача таълим муассасаларида лой ва пластилин билан ишлаш машғулотларининг мақсади ва вазифаси болаларни ҳайкалтарошликнинг элементар асослари билан таништириш ва амалий ишлашга ўргатишни назарда тутати. Бундай машғулотларни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш ҳар бир Тарбиячидан мазкур соҳа бўйича маълум тайёргарликка эга бўлишни талаб этади. Бунинг учун Тарбиячилар ўз устларида кўпроқ ишлашлари, ҳайкалтарошлик ва саполдузлик асосларини яхши билиб олишлари керак бўлади.

Бадий меҳнат машғулотларида лой, пластилин, мум каби материаллардан фойдаланиб, улардан турли уйинчоқлар, жониворлар, қушлар, эртак қаҳромонлари ясалади.

Ўйинчоқ – декоратив санъатнинг энг қадимий турларидан бири бўлиб, қадим асрларда лойдан ясалган нарсалар бизгача етиб келган. Мамлакатимизда саноат ва маданиятнинг ривожланиб боришига кўра уйинчоқларни ассортименти, уларнинг образлари йилдан-йилга бойиб бормоқда. Ўйинчоқлар ясаладиган материаллар хилма-хилдир. Бироқ афзаллик лойга берилади. Лой нарсалар яшашда асосий материал ҳисобланади.

Чунки у исталган жойда топилади, арзон ва қайишқоқдир. Нрсалар ясаладиган материалда чет предметлар, тош, қум ва шу кабилар бўлмаслиги керак. Чунки иш қўлда бажарилади. Шунинг учун иш бошлашдан олдин лойни тайёрлаш керак, топилган матни нарсалар яшашга яроқли ёки йўқлигини олдиндан текшириш керак. Лой ширали ва ширасиз бўлади. Ширасиз лой таркибида қум кўп бўлиб, унда ёпишқоқлик хусусияти ёмон бўлади.

Лой ва пластилин ҳам турли нарсалар яшаш учун жуда қулай бўлиб, айрим хусусиятларига кўра, бир-биридан ажралиб туради. Масалан пластилин ранг-баранглиги ва доимо ишга тайёр ҳолда эканлиги билан ажралиб туради. Лекин асосий камчилик шундаки, пластилин иссиқда тез эриб кетади ва ўзининг қайишқоқлик хусусиятини йўқотади. Бундан ташқари пластилиндан ишланган ҳайкалчаларни очиқ жойда сақлаш жуда қийин. Ундан асосан кичик моделларни яшашда фойдаланилади. У сунъий пластик масса бўлиб, лойдан ҳеч қачон қуримаслиги билан фарқланади. Пластилин ҳар-хил оддий ва мураккаб турлари бўлиб, рецептлари бор.

Биринчи вариант – тоза қуюқ лойга глицерин қўшиб бир турли масса ҳосил қилгунча аралаштирилади. Глицерин тайёрланаётган масса қўлга ёпишмайдиган ҳолатга келгунча қўшилади.

Иккинчи вариант - қуритилган тоза лой майда қилиб туюлади ва унга вазелин қушиб, қўлга ёпишмайдиган қуюқ масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Пластилинга керакли рангдаги қуруқ буёқ массаси қушиб ва пухта аралаштириб буяш мумкин.

Учинчи вариант- 1 қисм тупроғида 1/5 қисм илитилган мум ҳамда пластилин қўлга ёпишмайдиган даражага етгунча глицерин қушиб аралаштирилади. Пластилин ва лойдан нарсалар яшашни у яхшилаб қўлда эзилгандан кейин бошлаш керак.

Пластилин ва лойдан ташқари нарсалар яшашда мумдан фойдаланилади. Мумнинг табиий ва сунъий (нефтдан олинган) турлари мавжуд. Мум анча қиммат туради ва ундан майда нарсалар ясалади. Мум билан ишлаш қулай, у қуримайди,

сув билан намланишни талаб қилмайди, дарз кетмайди ва ундан ясаладиган нарсалар узоқ сақланади.

Меҳнат машғулотларида учун магазинларда очдан то тўқ рангача бўлган рангли мум таёқчалари сотилади.

Лой билан ишлаганда асосан оддий асбоблар, пичок, оддий конструкциядаги ёғоч ва металл учли стеклардан фойдаланилади. Пластилин ва мум билан ишлаганда металл стеклардан фойдаланилади. Уларни қизитиш ҳамда йўғон мис, алюмин ёки темир симдан тайёрлаш мумкин. Циркуль, ўлчов, чизғич ва бурчаклар каби ўлчов асбоблари моделларни чизиш ва ўлчаш ишларида керак бўлади.

Тайёр нарсалардаги чанглари йўқотиш, лой нарсаларни супуриб ташлаш, нарсани солиш ва унга нарсалар суртиш жараёнида ҳар – хил мўйқаламлар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳайкалтарошлик ҳақида қисқача маълумот. Ҳайкалтарошлик – таъсвирий саънат турларидан биридир. Саънатнинг бу турининг хусусияти тасвирни ҳажми – формасидир. Пластик тасвирлар орасида айлана ҳайкалтарошлик ёлғиз тур эмас. Ундан ташқари, барельеф ва горельеф ҳам мавжуд рельеф айлана ҳайкалтарошликдан фарқ қилиб, ясси сатҳда акс этади. Бу ҳайкалтарошлик формаларидан идиш – товоқ сатҳини, биноларнинг олд томони, интерьерлари ва шу кабиларни безашда фойдаланилади.

Лой ва пластилин билан ишлашда керак бўладиган усуллар.

1. Юмалоқлик – бу парча лойдан шар ясаш, унга олча, олма кабилар шаклларини беришдир.
2. Бир бўлак лойдан кафтда айлана ҳаракатлар билан шар ясалади.
3. Шар ясаш, сўнгра узунасига ҳаракатлар билан уни тухум, устун кабиларга айлантириш.
4. Яссилаш – шарикдан ясси нон ясалади, қулнинг ҳолати доимо ўзгариб туради.
5. Чузиш – шарикнинг бир қисми чузилади.
6. Суриш (ямаш) буюмнинг айрим қисмларини ўзаро бириктириш.

Лой ва пластилин билан ишлаш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда иш жойини бекаму-кўст жиҳозланганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

18- Мавзу: Пластилин билан ишлаш машғулотларини ташкил этиш.

Мақсад: Болаларни пластилин билан таништириш. Пластилинни хусусиятини лой билан таққослаш. Пластилинни кўрсатилган ҳажмда кесиб олиш. Пластилинни ишлатиш усуллари билан таништириш. Пластилин билан ишлашга оид малака ва қуникмаларини шакллантириш.

Жиҳозлаш: Пластилин билан ишлашга оид китоблар. Кўргазма намуналари, пластилин қаламчалари, куракча, ёғоч қалам, пичок, латта.

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулот темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Уйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна тахлили.
4. Пластилин билан ишлаш бўйича мустақил иш.

Меҳнат машғулотларида лой, пластилин, мум каби материаллардан фойдаланиб, улардан турли ўйинчоқлар, жониворлар, қушлар, эртақ қаҳромонлари ясалади. Пластилиндан асосан кичик моделларни яшашда фойдаланилади.

У суъний пластик масса бўлиб лойдан хеч қачон қурилмаслиги ва доимо ишлатишга тайёрлаш билан фарқланади. Пластиллиннинг ҳар хил — оддий ва мураккаб турлари бўлиб, рецептлари бор.

Биринчи вариант- тоза қуюқ лойга глицерин қўшиб бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Глицерин тайёрланадиган пластилин қўлга ёпишмайдиган ҳолатга келгунча қўшиладн.

Иккинчи вариант - қуритилган тоза лой майда қилиб туюлади ва унга вазелин қўшиб, қўлга ёпишмайдиган қуюқ масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Пластилинга керакли рангдаги қуруқ буёқ массаси қўшиб ва пухта аралаштириб бўяш мумкин.

Учунчи вариант - 1 қисм лой тупроғида 0,5 қисм илитилган мум ҳамда пластилин қўлга ёпишмайдиган даражага етунча глицерин қўшиб аралаштирилади. Пластилин нарсалар ясашда у яхшилаб қўлда эзилгандан кейин бошлаш керак. Пластилин билан ишлашда стеклардан фойдаланилади.

Савол ва топшириқлар.

Бунда асосан режа бўйича талабаларнинг жавоблари тингланади, Талабаларнинг машғулотга тайёргарлигини текшириш учун қўйидаги саволлар берилади.

1. Меҳнат машғулотларида пластилин билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Пластилинни қандай усулда тайёрладингиз.
3. Пластилин хусусиятини лойдан фарқи.
4. Пластилиндан нималар ясаш мумкин.
5. Пластилинни қандай турларини биласиз.
6. Уларнинг таркиби ва ранги бир хилми.

Амалий топшириқ.

Талабалар ойнага контур чизиб пластилин билан ишлов берадилар, контур қандай жойлашганини график тасвирини ойнага чизадилар. Шу тасвирга мос рангдаги пластилиндан фойдаланиб ойнадаги контурни ясайдилар. Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий тамони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар.

Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.

Лой билан ишлаш.

Мақсад: Болаларни лой билан таништириш. Лойни тайёрлаш усулини ўргатиш. Лойни кўрсатилган ҳажмда кесиб олишга ўргатиш. Лойдан нарсалар ясаш усуллари билан таништириш. Лой билан ишлашга оид малака ва кўникмаларини шакиллантириш.

Жиҳозлаш: Лой билан ишлашга оид китоблар, кўргазма намуналари, лой массаси, кўракча, ёғоч қалам, пичоқ, латта, сув ва буёқлар.

Машғулот режаси.

1. Бажариладиган намуна тахлили.
2. Ишни бажариш тартиби.
3. Лой билан ишлаш бўйича мустақил иш.
4. Ишни тахлили ва баҳолаш.

Меҳнат машғулотларида лой, пластилин, мум каби материаллардан фойдаланиб, улардан турли ўйинчоқлар, жониворлар, қушлар, эртақ қаҳромонлари ясалади. Ўйинчоқлар ясаладиган материаллар хилма-хилдир. Бироқ афзаллик лойга берилади. Лой нарсалар ясашда асосий материал ҳисобланади. Чунки у исталган жойда топилади, арзон ва қайишқоқдир. Лойнинг таркибида бошқа нарсалар (тош, қум ва шу кабилар) бўлмаслиги керак. Чунки иш қўлда бажарилади.

Шунинг учун ишни бошлашдан олдин лойни тайёрлаш керак. Лой ширали ва ширасиз бўлади. Ширасиз лой таркибида қум кўп бўлиб, унда ёпишқоқлик хусусияти ёмон бўлади. Лой билан ишлаганда асосан оддий асбоблар: пичоқ, оддий конструкциядаги ёғоч ва металл учли стеклардан фойдаланилади.

Лойдан нарсалар яшаш усуллари:

1. Юмалоқлик - бу парча лойдан шар яшаш, унга олча, олма каби шакллар бериш.
2. Бир бўлак лойдан кафтда айлана ҳаракатлар билан шар ясалади.
3. Шар яшаш, сўнгра узунасига ҳаракатлар билан уни тухум, устун кабиларга айлантириш.
4. Яссилаш - шарикдан ясси нон ясалади, қўлнининг ҳолати доимо ўзгариб туради.
5. Чузиш - шарикнинг бир қисми чузилади.
6. Суриш (ямаш) - буюмнинг айрим қисмларини ўзаро бириктириш.

Савол ва топшириқлар.

Бунда асосан режа бўйича талабаларнинг жавоблари тингланади. Талабаларнинг машғулотга тайёргарлигини текшириш учун қўйидаги саволлар берилади.

1. Меҳнат машғулотларида лой билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Ўзбек кулолларида кимларни биласиз.
3. Лойни қандай усулда тайёрладингиз.
4. Лойнинг хусусияти қандай.
5. Лойдан нималар яшаш мумки.
6. Лойдан нарсалар яшаш усуллари қандай.

Амалий топшириқлар.

Талабалар лойга ишлов берадилар. Намуна асосида шакллар ясайдилар, Қуригандан сўнг шу шаклга мос ранглар берадилар. Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий тамони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар. Машғулотни тайинланган таълимий мақсадга доғир режа матнини тайёрлайдилар.

19-амалий машғулот

Мавзу :Болалар богчасида кўғирчок театри ва жихозларини яшаш.

Мақсад: Болаларни гармоник ривожлантиришга, ижодкорликни, тасаввурни бойитишга, кузатувчанлик ва диққатни фаоллаштиришга, иродани тарбиялашда, чамалаш ва рангни сезишга ўргатади. Кўз билан чамалашга, ҳаракатлар изчиллигини ўргатади.

Машғулот режаси:

- 1.Соя театри ҳақида.
- 2.Стол театри ҳақида.
3. Пахмоқ театри ҳақида.

Мақтабгача таълим муассасаларида кўнгил очиш соатлари деганда кўз олдимизга кўнгил очиш соатларида фойдаланиладиган ---

Соя театри;

Стол театри;

Бармоқ театри;

Пахмоқ театри;

Қўғирчоқ қўлқоп театрларини айтиб бу театрларга мурожат қилишимиз лозим. Чунки бундай эртаклар олами болаларнинг севимли тўлошаси ҳисобланади. Театрни кўриб болаларнинг дунёқараши кенгайиб, хотирасида анча вақтгача қолади.

Соя театри- қўғирчоқ театрининг ўзига хос турларидан ҳисобланади. Унда қўғирчоқлар эмас, балки шакллардан иборат ўйинчоқлар ўйнайди. Томоша қилувчилар сахна рўпарасида ўтириб, экранда ёруғлик орқали ҳаракатланаётган соялар: одамлар, ҳайвонлар ва қушлар соясини кўриши мумкин.

Бундан соя театрини қуйидагича яшаш мумкин.

Аввало картон ёки фанер орқали экран ясашиб, экранни юпка оқ дока сурп билан тортиб маҳкамланади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ёшига мос равишда эртакни танлаб, уни қаҳрамонларини картонга тушириб, жуда эҳтиётлик билан қирқилади. Уни қирқиб олинган қора гуаш орқали бўялади ва қурилади. Сўнгра чироқ яъни ёруғлик тушуриб сахналаштириган эртак намойиш қилинади.

Пахмоқ театрининг тузилиши важиҳозлари

Маълумки болаларнинг ҳар томонлама ривожланишларида турли ўйинлар ва театрлаштирилган тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Бунда стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар, қўғирчоқ театрларидан кенг фойдаланилади. Пахмоқ театрининг ўзига хос томони шундаки, кичкинтойлар асосан эртак қаҳрамонларининг айнан ўзини кўрадилар. Персонажлар пахмоқ экранга ёпиштирилади. Экран тайёрлаш учун баландлиги 40, узунлиги 60 см ли қалин картон ёки фанер устига пахмоқ газламаси яхшилаб ёпиштирилади. Персонажларни тайёрлаш учун ўртача қалинликдаги картондан фойдаланамиз, тайёр бўлган персонаж орқасига пахмоқ газламаси ёпиштирилади. Персонажлар экранга мана шу йўл орқали ёпиштирилади. Болалар учун мўлжалланган пахмоқ театри (эртак иштирокчилари, персонажлар, декорациялар, эртак матни, бошловчи эртакчи боб ёки момодан) иборат бўлади.

Пахмоқ театри учун персонажлар қуйидагича тайёрланади: персонажлар картон қоғоздан қирқиб олинади ва рангли бўёқда, гуашда бўялади.

Тайёр бўлган персонажлар эртак тексти билан битта папкага солиб қўйилади.

Ҳозирги кунда маълумки, театрнинг бир неча турлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Булардан:

Комедия театри, драма, халқ театри, мусиқали драма ва комедия, опера, балет ва қўғирчоқ театрлари шулар жумласидандир.

Театр бу юнонча (тиятион)сўзидан олинган бўлиб-томошахона деган маънони билдиради.

Жажжи кичкинтойларимизнинг севимли томошаси бу- қўғирчоқ театридир. Бу театр орқали болалар ўзларига яқин ва таниш бўлган ўйинчоқларни, айиқча қуёнча, кучукча ва бошқа қаҳрамонларни жонлилиги, ҳаракат қилиш ва гапириш болаларни ўзига рўл этиш. Бу театр болаларга катта хурсандчилик ва қувонч бахш этиш. Бу театр нафақат кўнгил очиш учун, балки тарбиявий маъносига ҳам қараш керак.

Болалар боғчасида катта ва қийин спектакллари қўйиш мумкин эмас. Кичик сахнали, кичик эртақ асосида ўзларининг ўйинчоқлари ёрдамида қўйишлари мумкин. Бу кичик кўринишларининг ҳар бири ҳам болаларда катта тасурот уйғотади ва байрам эртақларига кўтаринки руҳ бахш этади. Ҳар қандай бадиий асарни қўғирчоқ тетри орқали кўрсатилса, болалар учун янада тушунарли бўлади.

Қўғирчоқ тетри учун энг керакли бўлган ширма тайёрланади.

Баландлиги 50 см, узунлиги 80 см река ёрдамида тайёрланади. Река, миҳ орқали қоқилиб, орқа томонига икки томони очиладиган қилиб, чарм ёки германтин орқали бирлаштириб унга парда тикилади ва ўрнатилади. Қўғирчоқларни тайёрлаш учун оддий шар ва ун газета бўлаклари ва клестр керак бўлади.

Шар устига папье -машье орқали тайёрлаб ёпиштирилади, 7 марта такрорлаб ёпиштириб чиқади ва қурилади. Ҳона ҳароратида 2-3 кун қуригач унга қош.оғиз ва бурун папье маше орқали тайёрлаб ёпиштирилади. Яна қурилади 2-3 кундан сўнг яхшилаб қуриган шакилга ёғоч уланади ва қоқиб, қум қоғоз орқали силлиқланади. Унга вода имулсия бўёғига, ПВА елими 1 қошиқ қўшиб сариқ ва очқизил гуашдан озгина қўшиб,рангини чиқариб, паралон орқали юзини уриб-уриб бўялади. Гуаш ёрдамида кўз,қош, оғз чизилади ва лакланади. Унга қора вимор , тери ёрдамида соч ўрнатилади. Сўнгра қўғирчоқ ўрнатилади. Қўл, оёқ тикиб чихолга патрон орқали уланади.Сўнгра кийинтирилади.Ертақ қаҳрамонлари тайёр бўлгач, тексти ёзиб, сахналаштиришга тайёрланади. Эртақ иштирокчилари, персонажлар, дератсиялар, эртақ матнл, бошловчи, эртақчи бобо ёки муаммодан иборат бўлади.

20-амалий машғулот

Мавзу :Айиқча» юмшоқ ўйинчоғини тикиш.

Мақсад: Ўйинчоқнинг турига қараб газлама танлашни, намунага қараб андоза олишни, андозани газламага чизишни ва қирқиб олишни, ипни ўлчаб олишни, ипни узиш, игнага ипни ўтказиш, тугун солиш кўникмаларина мустақамлаш; тикиш вақтида игна ва газламани қандай ушлашни ўргатиш, кўз билан чамалашни, ҳаракатлар изчиллигини ўрганиш.

Жиҳозланиш: Газлама турларидан намуналар, ўйинчоқ андозаси, қайчи, игна, ип, ангишвона. Ҳар-хил расмлар ва намуналар. Тарқатма материаллар.

Машғулот режаси:

1. Юмшоқ ўйинчоқларнинг болалар тарбиясидаги аҳамияти..
2. Ўйинчоқлар тикиш учун керакли матолар, асбоб ва ускуналар.
3. Юмшоқ ўйинчоқ ясаш босқичлари.
4. Юмшоқ ўйинчоқлар тикиш бўйича мустақил иш

Ўйинчоқлар – болалар ўйинлари учун яратилган махсус предметдир. Бироқ бу реал предметнинг кичирайтирилган нусхаси эмас, балки унинг шартли тасвири, ўта умумлаштирилган бадиий образдир. Ифодали шакл ва ҳаракатлилиқ, равшанлиқ ва рангнинг шартлилиги буларнинг барчаси боланинг ўйинчоққа жалб қилади. У билан ўйнаш иштиёқини туғдиради. Ўйинчоқ бола қувончининг манбаидир.

Юмшоқ ўйинчоқлар билан турли ёшдаги болалар шуғулланишлари мумкин. Айтишларича, юмшоқ ўйинчоқ ясаб ўйнаш фақатгина кичик болаларга хос деб, лекин тажрибалар шуни кўрсатадики юмшоқ ўйинчоқлар билан фақат болар эмас, балки катта ёшдаги болалар ҳам қизиқадиладар.

Болалар ўйинчоқларнинг энг оддий турлари, каттароқлари эса кўғирчоқ театри кўғирчоқларини турли ҳолатдаги ўқинчоқларни тайёрлайдилар. Болаларга ўйинчоқлар ясашни ўргатиш учун аввало тарбиячи ўзи бу саънатни яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Ўзи тайёрлаган чиройли ўқинчоқларни Болаларга кўрсатар экан, уларда ҳам ўйинчоқлар ясаш қизиқиши пайдо бўлади.

Юмшоқ ўйинчоқни ясашни, унинг ясаш технологияси услуби, тайёр шаблон асосида бошлаш мумкин. Ўйинчоқ андоза асосида тайёрланишига қараб, болаларни интилишларига, ўзлари ўйлаб қўшган ғоялари учун рағбарлантиришлари керак.

Ишни ташкил қилишдан олдин қўйдаги ашёлар ва асбобларни тайёрлаш керак: Игналарнинг турли катта-кичиклар. Ғалтакли турли рангдаги иплар.

Рангли мўлина иплар. Турли рангдаги ипакли иплар.

Қайчи. Бигиз. Омбир. Дазмол. Ангишвона. Қалам.

Ашёлар: Юмшоқ ўйинчоқ учун иложи борица янги мато ёки аввалдан ювиб, дазмолланган сатин, бархат, штапил, пахмоқ, чит, жунли матолар.

Ҳайвонларни тайёрлаш учун тукли бумазий, суъний ва табиий жун матоларидан фойдаланилади.

Тана юз кўринишини тасвирловчи ўйинчоқлар учун шифон, суъний толали шойи матолар, юз учун оч пушти, оч жигарранг матолар олинади, кийимлари учун рангли матолар, соч учун суъний иплар, вискоза, қисмларни бириктиришда 1-2 мм юмшоқ симлар, ўйинчоқларни жиҳозлашда ҳар-хил тугмалар, бисер, тисма, ленталар, шнурлар ҳамда эскиз тайёрлаш учун пластилин зарур. Ўйинчоқ ичи пахта билан, тирикотаж чиқиндилари, аверла қилишда ёғочдан чиққан қириндилар билан тўлдириш мумкин.

Юмшоқ ўйинчоқ тайёрлашда ишни нимадан бошлаш керак. Дастлаб болаларни ушлашдан, игна тўғноғичдан ўринли фойдаланишдан, сўнг энг оддий чок турларини тикишдан бошлаш зарур. Чок турларини ўргатиш учун амалий бир нечта иш тавсия этилади. (Рўмолча тикиш, халтача тикиш ва бошқалар) Бу эса болаларни чок турларини тикиш малакасини эгаллашга шириит яратади. Болаларда игна билан ишлаш малакаси ҳосил бўлгандан кейин оддий модел тайёрлашга ўтилади. Болалар қўлда тикадилар, каттароқ болалар тикув машинасидан фойдаланиш мумкин.

Юмшоқ ўйинчоқ тикиш изчиллиги қуйидагича босқичлардан иборат: Мато танлаш, ғижим матони дазмоллаш, матога андоза чизиш, қисмларни бичиш, тикиш, ичини тўлдириш, устини жиҳозлаш.

Андоза картондан тайёрланади, бичишга мато иккига букланади, унинг чап томонига андоза қўйиб, яхши ичи очилади, қалам билан тайёрланаётган бўлса, андоза ҳар бир бўлак мато устига ипини қиялаб йўналган томонига қўйилади. Тоқ мато бўлса андоза оқ ёки сариқ ранги қалам билан оч ранги мато бўлса қаро рангли қаламдан тайёрланади.

Чизиб олинган мато ҳар томондан 0,5 см чок учун қолдирилиб, қирқилади, сўнг қўлда ёки машинада тикилади. Бурчаклар ўнг томонга чиқарилади. Тайёр тикилган форма метал тайёкча ёрдамида ўтмас томони билан ўнгига ағдарилади.

Агар ўйинчоқ табиий жундан тайёрланаётган бўлса чок ҳаққи қолдирилади, четлари қалин ипда тикилади.

Ҳайвон ва қушларни тикиш қуйидаги қоида бўйича: аввал тана ва қорин қисмлари бир-бирига тикилади. Формани икки ярми тайёр бўлгандан сўнг уларни бирга тикилади. Форма ўнгига ағдарилиб қолдирилган жойдан ичи тўлдирилади, қисмлари бир-бирига кўринмас чок билан бирлаштириб тикилади. Ўйинчоқ ичи пахта ёки майда мато қийқимлари билан тўлдирилади.

Ўйинчоқ тайёрлашни қийинлик босқичига қараб икки гуруҳга ажратилади.

1. гуруҳ: Енгил тўлдириладиган ўйинчоқ (товуқ, мартешка кўғирчоқ, пигвин, ўрдакча, кучукча, филча, куёнча, айиқча, хўтикча, жирафа).
2. гуруҳ: Кўғирчоқ театри учун кўғирчоқ (Чўчка, кучукча, айиқча, маймунча, кўғирчоқ, мушук сим сикх ўрнатилган ўйинчоқ, буратино, тулки ва бошқалар).

Ўйинчоқларни яшаш болаларни фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, савиясини кенгайтиради, ижодиётга қизиқишини тарбиялайди. Улар ўзлари ясаган ўйинчоқларга ўзларини ажойиб-ғаройиб истакларини, муҳаббатларини, меҳнатларини сарфлайдилар. Шунунг учун уларнинг меҳнатларини қадрлаб ва меҳнат қилишга қизиқтириш лозим. Бу эса уларда мақсадга интилувчанлик, ташаббускорлик, тиришқоқлик, ўзаро ёрдам бериш, меҳнатсеварлик, эътиборлилик, батартибликни тарбиялайди.

21-амалий машғул

Мавзу : Газлама билан ишлаш.

Мақсад :Болаларни газлама ва унинг турлари билан таништириш. Газлама билан ишлашнинг аҳамияти. Газлама билан ишлаш усуллари билан таништириш. Асбоблардан унумли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш. Газлама билан ишлашга оид малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Жихозлаш: Газлама турлари, расмлар, игна, қайчи, клей, қоғоз, тарқатма материаллар.

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулоти темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Ўйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна таҳлили.
4. Газлама билан ишлаш бўйича мустақил иш.

Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтгандан сўнг газламаларнинг турлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда газламанинг суъний ва табиий турлари ишлатилмоқда. Суъний газламалар химиявий моддалар ёрдамида суъний йўллар билан ишлаб чиқарилмоқда. Табиий газламалар эса пахтадан, толадан, жундан ва канопдан ишлаб чиқарилмоқда. Болалар газламаларнинг турлари билан танишиб, уларнинг хусусиятлари, таркиби, ва қаерларда ишлатиш кераклигини ўрганиб оладилар.Болалар газлама билан ишлаш машғулотида мато бўлакларидан аппликациялар яшашни, чойнак ёпқич тикишни, иш фартугини тикишни, юмшоқ ўйинчоқлар тикишни ўрганадилар. Газлама билан ишлаш машғулотларида газлама ва ипнинг танлашнинг аҳамияти, рангларининг уйғун бўлиши, газламадан қандай ва қаерда ишлатишни билишлари ишни чиройли, сифатли ва бежирим бўлишида муҳим ўрин эгаллайди.

Болалар мато билан ишлаш машғулотларида қуйидаги кўникма, билим ва малакаларни эгаллаб олишлари керак:

- Газмол ҳақидаги умумий тушунчалар билан таништириш. Ўсимлик (пахта, зиғир)дан тайёрланадиган газмоллар ҳақида дастлабки маълумотлар берилади.

Газмолнинг тузилиши, улардаги ипларнинг тўкилиши ҳақидаги илк маълумотлар берилади.

- Газмоллар асосан нималарга мўлжалланганлиги билан таништириш: кийим-кечак, турмуш нарсаларга ва шу қабилар.
- Ишлатилиши (тикиш, ямаш, тўқиш иплари) ва йўғон-ингичкалигига кўра фарқланадиган иплар билан таништириш.
- Тикиш ва тўқишда ишлатиладиган асосий асбоблар ҳамда мосламалар (нина, қайчи, ангишвона, тўғноғич) ва уларни сақлашнинг асосий қоидалари билан таништириш.
- Ип ва уқага ишлов бериш усуллари билан таништириш.
- Нинага ип ўтказиш, тугун солиш, ипни мустаҳкамлашни ўргатиш.
- Газламани андазага кўра чамалаш.
- Газламани қайчи билан қирқиш усуллари билан таништириш.
- Газламани қалам ёки бўр билан белгиланган тўғри ёки эгри чизик бўйлаб қайчида қирқишни ўргатиш.
- Газламадан нарсалар тикишни ўргатиш.
- Тугма қандаш усуллари билан ўргатиш.

Бу машғулотда болалар натурал ипак ва жун толали материалларни, тўқимачилик саноати маҳсулотлари билан танишадилар. Намуна, расм, чизма ва берилган ўлчамлар бўйича андаза бичиш олишни ва газламанинг хусусиятларини (пишқлиги, эгилювчанлиги, тузилиш) ни ўрганадилар.

Болалар иш ўрнини тўғри тайёрлаш, саранжом-саришта тутиш, иш охирида яхши ва тез йиғиштиришни, аҳиллик билан ишлашни ўрганадилар

Амалий топшириқ.

Талабалар мавзуга керакли газламани танлайдилар, намуна асосида газламадан аппликация ишларини ясайдилар. Газламадан аппликация ишига қўшимча ишлов берадилар, Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий тамони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар.

22-амалий машғулот

Мавзу : Ип ва тола турлари билан ишлаш.

Мақсад: Болаларни ип ва тола турлари билан таништириш, ипни узиш, игнага ипни ўтказиш, тугун солиш кўникмаларини мустаҳкамлаш; тикиш вақтида игна ва газламани қандай ушлашни ўргатиш, кўз билан чамалашни, ҳаракатлар изчиллигини, ихтиёрий диққатни, хотирани ўстиради, асбоблардан унумли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади.

Жиҳозлаш: Ип ва тола турлари, игна, ип, қайчи, ангишвона, кашта ва чок турларидан намуна. Тарқатма материаллар.

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулот темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Уйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна таҳлили.
4. Ип ва толадан чокларни тикиш бўйича мустақил иш.

Машғулотларда игнага ип ўтказиш, ипни ўлчаш, уни керакли узунликда узиш усуллари эътибор бериш зарур. Газламани бичишда қайчи билан ишлаш усуллари ўргатилади. Қайчи стол устида сирпаниб юриши керак.

Дастлабки буюмларни тайёр бичиқлардан тиккан маъқул. Бу айниқса четларига попук чиқарадиган буюмларга таъллуқлидир.

Чокларни чонинг бошланиши ва тугашили белгиловчи тешикли андоза воситасида белгилаган маъқул. Ишлатиладиган материал хусусияти жиҳатдан барча болалар учун бир хил бўлиши керак. Бир текис буялган газламада безак яхши кўриниши учун 4-6 хил мулине маъқул.

Иш усуллари намоиш қилишда махсус катта ўқув чамбаракларидан, йўғон ип ўтказилган катта ниналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Иш жараёнида болаларга буюмларни безаш, фсаон ва размер, безак деталларини аниқлаш бўйича унчалик мураккаб бўлмаган технологик топшириқларни бериш фойдалидир.

Мато билан ишлаш машғулотларида болаларни натурал ипак ва жун толали материталларни, тўқимачилик саноати маҳсулотларини(мато, ип, уқа, жилвир,лента) намуна, расм, чизма,ва берилган ўлчамлар бўйича андоза бичиш олиш билан илк бор таништиришни ўз ичига олади.

Болалар мато билан ишлар эканлар, уни қоғоз билан қиёслайдилар ип ва матонинг тузилишини кўриб чиқадиладар. Бундан ташқари болалар ўсимлик ва жун газламалари билан танишиши, синтетик материалларни ип, жун ва ипак матолари билан қиёслашни, хусусиятлари билан танишадиладар. Газламадан тўғри ва эгри кесикли деталларни тикишни хилма-хил усуллари танишадиладар.

Машғулотларнинг давомида бахя ва чок турлари бахялаб чоклаш, четини букиб тикиш, йўрма билан таништириш, кийимларни оддий усулларда тузатиш, ямоқ солиш, илгак ва пистонлар тикиш усуллари ўрганадиладар. Ип турларини қиёслайдилар.

Савол ва топшириқлар.

1. Меҳнат машғулотларида ип ва толалар билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Ип ва толанинг қандай турларини биласиз.
3. Ип ва толадан нималар тикиш мумкин.
4. Толалар қаердан олинади.
5. Ип ва толанинг хусусиятлари қандай.
6. Чоклар қандай иплардан тикилади.
7. Кашталар қандай иплардан тикилади.

Амалий топшириқ.

Талабалар мавзуга керакли ипни танлайдилар, намуна асосида ип турларидан чокларни тикадиладар, толадан кашта тикишни ўрганадиладар. Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий тамони ёритиб берилганлигига эътибор берадиладар.

23-амалий топшириқ

Мавзу : Чойнак ёпкич тикиш.

Мақсад: Болаларни газлама ва унинг турлари билан таништириш. Керакли чойнак ёпкични ўлчамларини олиш ва андоза бичишга ўргатиш. Андоза асосида чойнак ёпкични тикиш. Асбоблардан унумли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш. Чойнак ёпкич тикишга оид малака ва кўникмаларини шакиллантириш. Жиҳозлаш: Газлама турлари, андоза олиш учун қоғоз, игна, ип, қайчи, ангишвона, чойнак ёпкичдан намуна.

Машғулот режаси.

1. Машғулот машғулот темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Уйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна тахлили
4. Чойнак ёпкич тикиш бўйича мустақил иш.

Меҳнат машғулотларида газлама билан ишлашда газлама турларни билан болаларни яқиндан таништириш мақсадга мувофиқдир. Газламадан меҳнат машғулотларида болалар турли буюмлар иш фартуги, чойнак ёпкич, сочиқча, нина қадагич ва ҳоказолар тикиш мумкин. Улардан рўзғор учуи мўлжалланган чойнак ёпкични тикиш уларни қаерда ишлатиш ва қайси мақсадда фойдаланишни ҳам ўргатиш мақсад қилиб қўйилган. Чойнак ёпкич тикиш учун чойнакнинг ўлчами аниқ белгилаб олинади. Ўлчамлар асосида қоғозга андоза чизиб ва қирқиб олинади. Чойнак ёпкич чиройли чиқиши учун унга бирор нарсанинг шакли берилади. Тайёр андозани мато устига қўйиб бичиб олинади. Бичилган андозалар тепчима чоклар ёрдамида тикиб чиқилади. Чойнак ёпкичнинг четларини бахя чоклари билан бостирадилар ва кўринмас ва тепчима чокларни сукиб ташлайдилар. Чойнак ёпкичга кўшимча безаш ишлари берилади ва унинг чиройли, сифатли, қулай ва бежирим бўлишига аҳамият берадилар. Чойнак ёпкич чойнакдаги чойни иссиқ сақлашда ишлатилади

Савол ва топшириқлар.

Бунда асосан режа бўйича талабаларнинг жавоблари тингланади, талабаларнинг машғулотга тайёргарлигини текшириш учун қўйдаги саволлар берилади.

1. Меҳнат машғулотларида газлама билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Газламанинг қандай буюмлар тикиш мумкин
3. Қандай газламадан чойнак ёпкич тикиш мумкин.
4. Чойнак ёпкичнинг андозаси қандай тайёрланади.
5. Чойнак ёпкични тикишда қандай чоклардан фойдаланилади.
6. Кўшимча безаш ишлари қандай амалга оширилади.

Амалий топшириқ.

Талабалар чойнак ёпкич тикиш учун керакли газламани танлайдилар, ўлчамлар асосида қоғозга андоза оладилар. Андоза асосида газламадан чойнак ёпкични бичадилар, чойнак ёпкични тикиш ва безашда чок турларидан ўринли фойдаланадилар. Машғулотнинг таълимий ва тарбиявий тамони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар.

Машғулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.

24-амалий машғулот

Мавзу : Иш фартугини тикиш.

Мақсад: Болаларни газлама ва унинг турлари билан таништириш. Иш фартугини ўлчамларини олиш ва андоза бичиш, андоза асосида иш фартугини тикиш. Асбоблардан унумли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш. Иш фартугини тикишга оид малака на кўникмаларини шакиллантириш.

Жихозлаш: Газлама турлари, андоза олиш учун қоғоз, игна, ип, қайчи, ангишвона, иш фартугидан намуна.

Машғулот режаси:

1. Машгулот машгулот темаси ва мақсадни аниқлаш.
2. Уйга берилган топшириқ бўйича суҳбат.
3. Бажариладиган намуна таҳлили.
4. Иш фартугини тикиш бўйича мустақил иш.

Меҳнат машгулотларида газлама билан ишлашда газлама турлари билан болаларни яқиндан таништириш мақсадга мувофиқдир. Газламадан меҳнат машгулотларида болалар турли буюмлар иш фартуги, чойнак ёпкич, сочиқча, нина қадагич ва ҳоказолар тикиш мумкин. Улардан болалар учун мўлжалланган иш фартугини тикиш уларни меҳнат машгулотларида ва бошқа ишларни бажаришда кийимларни кир қилмаслик учун ишлатилади.

Иш фартугини тикиш учун буйинг ўлчами аниқ белгилаб олинади. Ўлчамлар асосида қоғозга андоза чизиб ва қиркиб олинади. Тайёр андозани мато устига қўйиб фартукнинг олд қисми, белбоғи ва чўнтаги бичиб олинади. Бичилган андозалар тепчима чоклар ёрдамида тикиб чиқилади. Белбоғни фартука ўлашда уларнинг ўртасини топиб сўнг фартука тепчима ёки кўринмас чоклар ёрдамида тикиб чиқилади. Иш фартугини четини баҳя чоклари билан бостирадилар ва кўринмас ва тепчима чокларни сўкиб ташлайдилар. Иш фартугига қўшимча безаш ишлари берилади ва иш фартугини чиройли, сифатли, қўлай ва бежирим бўлишига аҳамият берадилар.

Савол ва топшириқлар.


Бунда асосан режа бўйича талабаларнинг жавоблари тингланади. Талабаларнинг машгулотга тайёргарлигини текшириш учун қўйидаги саволлар берилади.

1. Меҳнат машгулотларида газлама билан ишлашнинг аҳамияти қандай.
2. Газламанинг қандай нарсалар тикиш мумкин.
3. Қандай газламадан иш фартугини тикиш мумкин.
4. Иш фартугини андозаси қандай тайёрланади.
5. Иш фартугини тикишда қандай чоклардан фойдаланилади.
6. Қўшимча безаш ишлари қандай амалга оширилади.

Амалий топшириқ.

Талабалар фартук учун керакли газламани танлайдилар, ўлчамлар асосида қоғозга андоза оладилар. Андоза асосида газламадан фартукни бичадилар. Иш фартугини тикиш ва безашда чок турларидан ўринли фойдаланадилар. Машгулотнинг таълимий ва тарбиявий тамони ёритиб берилганлигига эътибор берадилар.

Машгулотни ташкил этишга доир режа матнини тайёрлайдилар.



Тажриба машғулоти.

1-тажриба иши.

Папье – Маше ўйинчоқларини тайёрлаш

Папье – Маше – суюқ масса ва майдаланган, сувда ҳўлланган қоғоз кўпгина газетага ёпиштирувчи модда клей, мел, шунингда кўшиб тайёрланган берч материалдир. Кам аралашма керакли шаклга осонгина киради , қуригандан кейин уни бўлиш ва лак билан қоплаш мумкин бўлади. Папье машедан буюмлар ўзининг ўзининг чидамлилиги ва ёнишлиги билан ажралиб туради. Ундан турли буюм ва безаклар яшаш мумкин.

Ҳозир папье-маше усулида лаган яшашни кўриб чиқамиз.

- Сувни яхши шимадиган икки хил рангдаги юпка қоғозни олиб, уни майда бўлакчаларга бўламиз.
- Яшаш учун елим, сув тайёрлаб оламиз.
- Лаган сиртига вазелин ёки мой суртилади.
- Оқ юпка қоғоз бўлакларини сувга ботириб лаган устига текис қилиб сув билан ёпиштирамиз.
- Навбатдаги қоғоз қавати эса бошқа оқ рангдаги қоғоз бўлакларидан елимланади.
- Бу ўз навбатида қоғоз қаватларини янглишиб кетишидан сақлайди.
- Бу ҳолат 6-7 маротаба такрорланади, охириги қаватни ёпиштириш оқ рангдаги қоғоз билан тугатилиши керак.
- Сўнг 3-4 кун ясалган буюмни яхшилаб қурилгандан кейин лаган сиртидаги қоғоз қолип ажратиб олинади.
- Қолипнинг ички қисмини текислаб, унга ҳоҳлаган расм нусхасини чизамиз.
- Масалан пахта гулли нусхасини ва шу кабиларни.

Тарбиячи ишга якун ясар экан, қоғознинг бўлакларидан турли кўринишдаги папье-маше ишларини яшаш мумкинлигини болаларга гапириб ва уйларида топшириқ қилиб пуфакга қоғоз бўлакларини ёпиштириш папье-маше ясаб келишларини айтади.

2-тажриба иши.

Арча учун безаклар яшаш

Совға учун.

Совғаларни чиройли қоғозга ўраш мумкин полиэтилен пакетга солиб, бантик қилиб боғлаш мумкин, лекин энг яхшиси картондан устига нақшли мато еки қоғоз ёпиштирилган қутича яшашдир.

Қоғоздан дўппи ясаш.

Квадрат шаклидаги қоғозни олиб (катта-кичиклиги ихтиёрий олинади) уни диагональ бўйича марказини аниқлаб оламиз. Сўнгра тенг иккига буклаймиз, қолган бурчагининг бири олиниб, марказ тўлони бўйича букланади, орқа томони ҳам худди шундай букланади. Букланган томони ички томонга қарата букланиб, бошқа бурчагини 1 см қайириб олиниб, пастки қоғознинг бурчаклари қайириб, букланиб чиқилади ва четдаги бурчакка, киргизиб қўйилади. Орқа томони ҳам худди шундай бажарилади. Мана дўппимиз тайёр, энди уни безатишимиз керак. Ингичка мўйқаламни олиб, оқ рангта ботирамиз, дўппининг тўрт томонига гармдори шакли чизилади. Дўппиларнинг гулидаги гармдори шаклини тасвирланиши болалар чидамли, қўрқмас, матонатли, сабрли бўлиш каби маънони аниқлаб, уларни шундай бўлишга ундайди.

Қизларимиз дўппиларни турли ранглардан фойдаланиб, ҳар - хил гуллар билан безатиб чиқадилар. Бу эса қизларнинг доимо гулдек очилиб, чиройли бўлиб юришларини ифодалайди, ҳамда бир йўла уларнинг бошларини офтоб иссиғидан асрайди.

Бувижонларимизнинг айтишларича, бош кийимни жуда эҳтиёт қилиш керак. Эскирганда ҳам ташлаб юбормай, ундан яна рўзғорда ёрдамчи буюм сифатида фойдаланиш мумкин. /Масалан: бедана учун тўр халта каби/. Қизларимизнинг дўппиларига гулни мана бундай чизамиз, гул ўртасига сариқ рангли нуқта қуйиб, атрофига қизил рангта гул япроқларини чизамиз. Агар ўйингизда дўппингиз бўлса, унга қараб гулни чизсангиз ҳам бўлади. Ҳар - хил рангдан фойдаланаётганда мўйқаламни яхшилаб ювиб, салфеткада артиб олишни унутманг.

Сичқон Матолар: кул ранг ёки наматсимон мато. Сичқон ясаш учун расмда кўрсатилган чизма асосида андоза тайёрланиб, газмолдан қуйидаги деталлар қирқилади. Тана-2, қоринча-2, бош учун клин-1, дум-1, кўз-2 тадан тайёрланади.

Тананинг А ва Б нуқталар оралиғига бош қисми учун тайёрланган клин сиртмоқсимон чок билан тикилади. Сўнг Б ва В нуқта бўйлаб тикилиб, пастки тўлони қоринча тикилади. Тиқишда озгина очик жой қолдирилади. Очик жойдан пахта тиқиб тўлдирилади. Сўнгра дум қисми иккига букланиб, ички тўлондан тикилади ва ўнгига айланирилади, гавдани В нуқтасига бирлаштирилади. Учта қора мунчоқ ёки тугмачадан кўз ва бурун бош қисмига тикилади.

Мушук. Матолар: мўйнали газламалар, трикотаж, пахта.

Мушук ясаш учун расмда кўрсатилган чизма асосида андоза тайёрланиб, газмолдан қуйидаги деталлар қилади. Тана-2, тана таги-2. (биттаси кардондан, иккинчиси газмолдан), дум-1, бош-2, тумшуги учун ёпик-1, қулоқ-4, кўз-2 тадан тайёрланади. Қирқилган деталлар жуфтланиб қўланади, сўнг ўнгига текислаб шаклга келтирилади. Мушукни танаси таглик билан бекитилади.

Танасига чизмада кўрсатилган жойга яширин чок билан боши ва думи тикилади. Оқ пахта ёки трикотаждан тумшуги учун ёпқич бичилиб, рамкаси занжирсимон чок билан тикилади. Тиқиб бўлгандан сўнг ққ шаклга ип билан бир неча марта ўралади ва ўртасидан қққ чизиклар билан кўрсатиб қўйилган бош қисмидаги жойга тикилади. Бошнинг учига бурун пушти мунчоқдан ёки тугмачадан тикилади.

3-тажриба иши

Харакатланадиган ўйинчоқлар.

Мактабгача таълим муассасаларида кўнгил очиш соатларида қуйидаги ажойиб ҳаракатланадиган ўйинчоқлар театри мавжуд:

Соя театри;

Стол театри;

Бармоқ театри;
Пахмоқ театри;
Қўғирчоқ қўлқоп театрларини айтиб бу театрларга мурожат қилишимиз лозим. Чунки бундай эртаклар олами болаларнинг севимли томошаси ҳисобланади. Театрни кўриб болаларнинг дунёқараши кенгайиб, хотирасида анча вақтгача қолади.

4-тажриба иши.

Соя театри.

Соя театри- қўғирчоқ театрининг ўзига хос турларидан ҳисобланади. Унда қўғирчоқлар эмас, балки шакллардан иборат ўйинчоқлар ўйнайди. Томоша қилувчилар сахна рўпарасида ўтириб, экранда ёруғлик орқали ҳаракатланаётган соялар: одамлар, ҳайвонлар ва қушлар соясини кўриши мумкин.

Бундан соя театрини қуйидагича яшаш мумкин:

Аввало картон ёки фанер орқали экран ясаиб, экранни юпка оқ дока сурп билан тортиб маҳкамланади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ёшига мос равишда эртакни танлаб, уни қаҳрамонларини картонга тушириб, жуда эҳтиётлик билан қирқилади. Уни қирқиб олинган қора гуаш орқали бўялади ва қуриштилади. Сўнгра чироқ яъни ёруғлик тушуриб сахналаштириган эртак намоиш қилинади.

5-тажриба иши.

Пахмоқ театри.

Пахмоқ театрининг тузилиши ва жиҳозлари:

Маълумки болаларнинг ҳар томонлама ривожланишларида турли ўйинлар ва театрлаштирилган тadbирларнинг аҳамияти каттадир. Бунда стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар, қўғирчоқлар театрларидан кенг фойдаланилади.

Пахмоқ театрининг ўзига хос томони шундаки, кичкинтойлар асосан эртак қаҳрамонларининг айнан ўзини кўрадилар. Персонажлар пахмоқ экранга ёпиштирилади. Экрани тайёрлаш учун баландлиги 40, узунлиги 60 см ли қалин картон ёки фанер устига пахмоқ газламаси яхшилаб ёпиштирилади.

Персонажларни тайёрлаш учун ўртача қалинликдаги картондан фойдаланамиз, тайёр бўлган персонаж орқасига пахмоқ газламаси ёпиштирилади. Персонажлар экранга мана шу йўл орқали ёпиштирилади. Болалар учун мўлжалланган пахмоқ театри (эртак иштирокчилари, персонажлар, декорациялар, эртак матни, бошловчи эртакчи боб ёки мўлодан) иборат боилади.

Пахмоқ театри учун персонажлар қуйидагича тайёрланади: персонажлар картон қоғоздан қирқиб олинади ва рангли бўёқда, гуашда бўялади.

Тайёр бўлган персонажлар эртак тексти билан битта папкага солиб қўйилади. Ҳозирги кунда маълумки, театрнинг бирнеча турлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Булардан:

Комедия театри, драма, халқ театри, мусикали драма ва комедия, опера, балет ва қўғирчоқ театрлари шулар жумласидандир.

Театр бу юнонча (тиятион) сўзидан олинган бўлиб-томошахона деган маънони билдиради.

Жажжи кичкинтойларимизнинг севимли томошаси бу- қўғирчоқ театридир. Бу театр орқали болалар ўзларига яқин ва таниш бўлган ўйинчоқларни, айиқча қуёнч, кучукча ва бошқа қаҳрамонларни жонлилиги, ҳаракат қилиш ва гапириш болаларни ўзига рўл этиш. Бу театр болаларга катта хурсандчилик ва қувонч бахш этиш. Бу театр нафақат кўнгил очиш учун, балки тарбиявий маъносига ҳам қараш керак.

Болалар боғчасида катта ва қийин спектакллари қўйиш мумкин эмас. Кичик сахнали, кичик эртак асосида ўзларининг ўйинчоқлари ёрдамида қўйишлари, мумкин. Бу кичик кўринишларининг ҳар бири ҳам болаларда катта тасурот уйғотади ва байрам эртакларига кўтаринки рух бахш этади. Ҳар қандай бадий асарни қўғирчоқ тетри орқали кўрсатилса, болалар учун янада тушунарли бўлади.

Қўғирчоқ тетри учун энг керакли бўлган ширма тайёрланади.

Баландлиги 50 см, узунлиги 80 см река ёрдамида тайёрланади. Река, миҳ орқали қоқилиб, орқа томонига икки томони очиладиган қилиб, чарм ёки германтин орқали бирлаштириб унга парда тикилади ва ўрнатилади. Қўғирчоқларни тайёрлаш учун оддий шар ва ун газета бўлаклари ва клестр керак бўлади. Шар устига папье -машье орқали тайёрлаб ёпиштирилади, 7 марта такрорлаб ёпиштириб чиқади ва қуритилади. Ҳона ҳароратида 2-3 кун қуригач унга қош.оғиз ва бурун папье маше орқали тайёрлаб ёпиштирилади. Яна қуритилади 2-3 кундан сўнг яхшилаб қуриган шакилга ёғоч уланади ва қоқиб, қум қоғоз орқали силлиқланади. Унга сувли эмулсия бўёғига, ПВА елими 1 қошиқ қўшиб сариқ ва очқизил гуашдан озгина қўшиб,рангини чиқариб, паралон орқали юзини уриб-уриб бўялади. Гуаш ёрдамида кўз,қош, оғиз чизилади ва лакланади. Унга қора вилюр, тери ёрдамида соч ўрнатилади. Сўнгра қўғирчоқ ўрнатилади. Қўл, оёқ тикиб чихолга патрон орқали уланади. Сўнгра кийинтирилади.Эртак қахрамонлари тайёр бўлгач, тексти ёзиб, сахналаштиришга тайёрланади. Эртак иштирокчилари, персонажлар, эртак матнли, бошловчи, эртакчи бобо ёки муаммодан иборат бўлади

6- тажриба иши

Табий материаллардан ўйинчоқлар яшаш.

Ўйинчоқлар – болалар ўйинлари учун яратилган махсус предметдир. Бироқ бу реал предметнинг кичирайтирилган нусхаси эмас, балки унинг шартли тасвири, ўта умумлаштирилган бадий образдир. Ифодали шакл ва ҳаракатлилиқ, равшанлик ва рангнинг шартлилиги буларнинг барчаси боланинг ўйинчоққа жалб қилади. У билан ўйнаш иштиёқини туғдиради. Ўйинчоқ бола қувончининг манбаидир.

Юмшоқ ўйинчоқлар билан турли ёшдаги болалар шуғулланишлари мумкин. Айтишларича, юмшоқ ўйинчоқ ясаб ўйнаш фақатгина кичик болаларга хос деб, лекин тажрибалар шуни кўрсатадики юмшоқ ўйинчоқлар билан фақат болар эмас, балки катта ёшдаги болалар ҳам қизиқадилар.

Болалар ўйинчоқларнинг энг оддий турлари, каттароқлари эса қўғирчоқ театри қўғирчоқларини турли ҳолатдаги ўқинчоқларни тайёрлайдилар. Болаларга ўйинчоқлар яшашни ўргатиш учун аввало тарбиячи ўзи бу саънатни яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Ўзи тайёрлаган чиройли ўқинчоқларни Болаларга кўрсатар экан, уларда ҳам ўйинчоқлар яшаш қизиқиши пайдо бўлади.

Юмшоқ ўйинчоқни яшашни, унинг яшаш технологияси услуби, тайёр шаблон асосида бошлаш мумкин. Ўйинчоқ андоза асосида тайёрланишига қараб, болаларни интилишларига, ўзлари ўйлаб қўшган ғоялари учун рағбарлантиришлари керак.

Ишни ташкил қилишдан олдин қўйдаги ашёлар ва асбобларни тайёрлаш керак:Игналарнинг турли катта-кичиклар.Ғалтакли турли рангдаги иплар.Рангли мўлина иплар.Турли рангдаги ипакли иплар. Қайчи.Бигиз.Омбир.Дазмол.Ангишвона.Қалам.

Ашёлар:Юмшоқ ўйинчоқ учун иложи борица янги мато ёки аввалдан ювиб, дазмолланган сатин, бархат, штапил, пахмоқ, чит, жунли матолар.

Ҳайвонларни тайёрлаш учун тукли бумазий, суъний ва табиий жун матоларидан фойдаланилади.

Тана юз кўринишини тасвирловчи ўйинчоқлар учун шифон, суъний толали шойи матолар, юз учун оч пушти, оч жигарранг матолар олинади, кийимлари учун рангли матолар, соч учун суъний иплар, вискоза, қисмларни бириктиришда 1-2 мм юмшоқ симлар, ўйинчоқларни жиҳозлашда ҳар-хил тугмалар, бисер, тисма, ленталар, шнурлар ҳамда эскиз тайёрлаш учун пластилин зарур. Ўйинчоқ ичи пахта билан, тирикотаж чиқиндилари, аверла қилишда ёғочдан чиққан қириндилар билан тўлдириш мумкин.

Юмшоқ ўйинчоқ тайёрлашда ишни нимадан бошлаш керак. Дастлаб болаларни ушлашдан, игна тўғноғичдан ўринли фойдаланишдан, сўнг энг оддий чок турларини тикишдан бошлаш зарур. Чок турларини ўргатиш учун амалий бир нечта иш тавсия этилади. (Рўмолча тикиш, халтача тикиш ва бошқалар) Бу эса болаларни чок турларини тикиш малакасини эгаллашга широит яратади. Болаларда игна билан ишлаш малакаси хосил бўлгандан кейин оддий модел тайёрлашга ўтилади. Болалар қўлда тикадилар, каттароқ болалар тикув машинасидан фойдаланиш мумкин.

Юмшоқ ўйинчоқ тикиш изчиллиги қўйдагича босқичлардан иборат: Мато танлаш, ғижим матони дазмоллаш, матога андоза чизиш, қисмларни бичиш, тикиш, ичини тўлдириш, устини жиҳозлаш.

Андоза картондан тайёрланади, бичишга мато иккига букланади, унинг чап томонига андоза қўйиб, яхши ичи очилади, қалам билан тайёрланаётган бўлса, андоза ҳар бир бўлак мато устига ипини қиялаб йўналган томонига қўйилади. Тоқ мато бўлса андоза оқ ёки сариқ ранги қалам билан оч ранги мато бўлса қаро рангли қаламдан тайёрланади.

Чизиб олинган мато ҳар томондан 0,5 см чок учун қолдирилиб, қирқилади, сўнг қўлда ёки машинада тикилади. Бурчаклар ўнг томонга чиқарилади. Тайёр тикилган форма метал тайёкча ёрдамида ўтмас томони билан ўнгига ағдарилади.

Агар ўйинчоқ табиий жундан тайёрланаётган бўлса чок ҳаққи қолдирилади, четлари калин ипда тикилади. Ҳайвон ва қушларни тикиш қўйдаги қоида бўйича: аввал тана ва қорин қисмлари бир-бирига тикилади. Шаклни икки ярми тайёр бўлгандан сўнг уларни бирга тикилади. Форма ўнгига ағдарилиб қолдирилган жойдан ичи тўлдирилади, қисмлари бир-бирига кўринмас чок билан бирлаштириб тикилади. Ўйинчоқ ичи пахта ёки майда мато қийқимлари билан тўлдирилади.

Ўйинчоқ тайёрлашни қийинлик босқичига қараб икки гуруҳга ажратилади.

1-гуруҳ: Енгил тўлдириладиган ўйинчоқ (товуқ, мартешка қўғирчоқ, пингвин, ўрдакча, кучукча, филча, қуёнча, айиқча, хўтикча, жирафа).

2-гуруҳ: Қўғирчоқ театри учун қўғирчоқ (Чўчқа, кучукча, айиқча, маймунча, қўғирчоқ, мушук сим сих ўрнатилган ўйинчоқ, буратино, тулки ва бошқалар).

Ўйинчоқларни яшаш болаларни фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, савиясини кенгайтиради, ижодиётга қизиқишини тарбиялайди. Улар ўзлари ясаган ўйинчоқларга ўзларини ажойиб-ғаройиб истакларини, муҳаббатларини, меҳнатларини сарфлайдилар. Шунунг учун уларнинг меҳнатларини қадрлаб ва меҳнат қилишга қизиқтириш лозим.

7-тажриба иши.

Ташландик буюмлардан ўйинчоқ яшаш.

Бадий қуриш яшаш машғулотларида тарбиячи болаларни фақат бир хил материал ёрдамида ишлаш билан чегаралаб қўймаслиги лозим. Улар ҳам табиий, ҳам бадий, ҳам ташландик материаллар бўлиши мумкин.

Бундай машғулотларда тарбиячи табиий ва ташландик материаллар ёрдамида ҳашарот, қуш, ҳайвон, одам кабиларнинг шаклини корсатиши муҳимдир. Масалан:

илдиздан илон, калта кесак, ёнгок пўчоғидан тошбақа косаси, тухум пўчоғидан пингвин, жўхори ўзағидан хайвон танаси шакллари кўриш мумкин.

Машғулотларнинг самарадорлиги болаларни, уйда, кучада, сайёхат вақтида табиий ва ташландик материалларни кўплаб йиғиш ҳамда боғчага олиб келишга ҳам боғлиқ.

Машғулотнинг мавзуси: "Товуқ" ўйинчоғини ясаш (ташландик ашёлардан фойдаланиш).

Машғулотнинг мақсади:

Болаларни нарсаясаётганда эҳтиёткорликка, бир йўла бир неча иш куроллари билан, оддий қаламдан, қайчидан, /елимдан ва мўйқаламдан тўғри фойдаланишга, ўз меҳнати билан завқ олишга ўргатиш /болаларнинг товуқ ва тухум ҳақида тасавурларини кенгайтириш, уй хайвонлари ва паррандаларига нисбатан муҳаббатларини мустаҳкамлаш.

Машғулотга тайёргарлик:

Болалар билан биргаликда товуқларни диққат билан кузатиш, тухумни кўздан кечириш, /шеър, топишмоқлар ёд олдириш/ товуқларга дон бериш.

Машғулотни жихозлаш:

Ичи бўшатишган тухум пўчоғи, оқ қоғоз, оддий қалам, елим, буёқ, мўйқалам.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар бугун эрталаб нонуштада нима едик? Ҳа, тўғри: тухум едим. Тухум жуда мазали. Сайрда сизлар билан нималарни кузатган эдик? Қани ким эслади?

Ҳа, товуқларни. Уларнинг нималари бор эди? Болаларнинг жавоби (думи, кўзи, қанотлари). Биласизларми болалар, тухумни еб бўлгандан кейин унинг пўстлоғини ташлаб юбормасдан, чиройли ўйинчоқлар ясаш мумкин. Ҳозир биз сизлар билан тухум пўчоғидан ўйинчоқ товуқни ясаймиз.

Бунинг учун эҳтиёткорлик билан ичи бўшатишган тухумни оламиз. Мана бу оқ қоғозга товуқнинг ён қанотларини, думини мана бу оддий қалам ёрдамида чизиб оламиз ва қирқамиз, сўнгра уни елимлаб, тухум пўчоғига ёпиштирамиз. /Мана, товуқнинг қанотлари ҳосил бўлади. Тумшуғини ҳам ёпиштирамиз. Сўнгра мўйқаламни буёққа теккизиб, дум, қанот учларини ва кўзларини чизамиз.

Қаранглар, болалар, товуқ ўйинчоғига ўхшадими? Сизлар ҳам ишингларни якунланглар. Ҳозир ҳаммамиз биргаликда жонли бурчакка бориб товуқларга сув ва дон бериб келамиз. (Шароитни ҳисобга олган ҳолда) .

Юқорида келтирилган машғулот намуналаридан хулоса шуки, боланинг бирор бир буюм ясаши ёки айрим топшириқни бажаришда, аввало уларнинг қизиқиши ҳар бир бола назардан четда қолмаслиги ҳамда унинг меҳнат кўникмаси ва малакаларини тарбиялаш асосий мақсад этиб олинishi зарур.

Фойдаланиладиган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати:

1. И.А.Каримов. «Буюк авлоднинг гармоник ривожланиши.Ўзбекистон тараққиётининг асосидир» Т.1998 й
2. Л.В Куцакова « Кострурование ручной труд в дет-саду » М. Просв 1985й
3. О.С.Молотоборова «Кружок изготовления игрушек сувениров»1993 йил. М.Прос.
4. Г.И.Перевертин – «Самоделки из текстильных материалов» 1992 йил М.Прос.
5. А.И.Гусакова «Внеклассная работа по труду.» - 1992 М.Прос.
6. И.Агапова, М.Даидова «Мягкая игрушка своими руками» М. 2001й
7. Гульян Э.К. Базик. И.Я. «Что можно сделать из природного материала» М.1991
8. Нагибина М.И. «Чудеса для детей из ненужных вещей.» М.1998
9. М.Ш.Нурматова Мехнат таълими. Т., 2005й.
- 10,М.Ш.Нурматова ва Ш.Хасанова Барглар мужизаси. Т., 2005й.
- 11.<http://www.edustorng.ru/main/book/pedagogtechno.htm>